Миллий тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 1 август

8 - сон

МУҚАДДАС БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

29 июл куни Вазирлар Маҳкамасида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Ўзбекистон тарихи зарварақларига миллий байрам сифатида битилган республикамиз Мустақиллик кунини тўртинчи маротаба нишонлаш арафасида турибмиз. Байрам муносабати билан мамлакат миқёсида кенг қамровли ободончилик ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йилгидек бу гал ҳам пойтахтнинг Мустақиллик майдони ҳамда бошқа йирик майдон ва хиёбонларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида, туманлар, касаба ва қишлоқларда, маҳалла ҳамда гузарларда байрам тантаналарини катта шодиёна билан ўтказиш мўлжалланган. Хусусан, пойтахтнинг Мустақиллик майдонида байрамимизнинг асосий тадбирлари бўлиб ўтади. Ислом Каримов ана шу бош майдонда ўтадиган байрам тантаналари тўғрисида сўзлади. Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган фурсатдан буён ушбу майдонда ўтказиб келинаётган катта байрам томошалари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ҳам ўзининг кенг қамрови ва теран мазмуни билан ягона ва бетакрор байрам сифатида тан олинмоқда, деди Президент. Йилдан йилга мустақиллик байрами юрт ободлиги, халқимиз турмушининг моддий ва маънавий ўсишида муҳим аҳамият касб этаётир. Қолаверса, байрамдан байрамга ушбу қутлуғ санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш борасида ҳам ибратли тажрибалар орттиряпмиз.

Мамлакат раҳбари мажлис аҳли эътиборини нишонланажак мустақиллик байрамининг халқимиз маънавияти билан бевосита боғлиқлигига қаратди. Саҳналаштириладиган томошаларда миллий байрамимиз мазмуни ва тарихий аҳамияти теран очиб берилиши кераклигини қайд этди. Халқимиз маънавий ҳаётида истиқлол шарофати билан туб бурилиш юз бергани, асрлар мобайнида мустақиллик туйғусини дилида асраб-авайлаб келган кишиларимизнинг орзуси рўёбга чиқиб, ғурури ўсгани, умуман, Ўзбекистон тарихидаги изчил ҳамда теран ривожланиш, иқтисодий ютуқлар ва маънавий камолот — байрам томошаларининг бош мазмуни ва моҳияти ана шулардан иборат бўлмоғи лозим. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, барча жабҳаларда катта ютуқларга эришаётган жонкуяр ва меҳнатсевар халқимизга муносиб байрам томошаларини тақдим этишимиз фарзу қарздир, деди юртбошимиз. Мустақиллик байрами миллатидан қатъий назар республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ёдида қоладиган бўлиши керак. Бунинг учун эса теран ижодий изланишларга асосланган бутунлай янгича байрам дастурини тузиш, унда янги шеър, куй ва қўшиқлар, саҳна томошаларига кенг ўрин ажратиш зарур. Вилоятлардаги истеъдод эгаларига санъатларини намойиш этишлари учун имконият яратиб бериш лозим. Байрам томошаси шундай маънавий таъсирчан бўлиши керакки, бош майдонга келадиган меҳмонлар ҳам, бу шодиёналарни ойнаи жаҳон орқали кўрадиган ҳар бир киши ҳам ундан баб-баравар тўлқинлансин, катта руҳий ва тарбиявий озуқа олсин, деди Ислом Каримов пировардида.

Мажлисда, шунингдек, сентябр ойида Тошкентда бўладиган биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ масала ҳам муҳокама қилинди. Президент республикамизнинг бир қанча спорт иншоотларида амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари билан танишди. Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиши маросими ўтажак «Пахтакор» марказий ўйингоҳини безатиш ҳамда спорт ўйинларини ўтказиш юзасидан тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

«Миллий тикланиш»га обуна бўлишни унутманг!

Халқни халқ қиладиган фикрлар ҳамиша сиз билан бирга бўлади. Матбуот тарқатиш маркази каталоги бўйича индексимиз шахсий обуначилар учун — 64618, ташкилотлар учун — 64619.

СИРДАРЁДА ТУМАН ТАШКИЛОТЛАРИ ТУЗИЛДИ

Миллий тикланиш демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши ҳайъати бошчилигида вилоятнинг барча туманлари ҳамда Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарларида партиянинг туман ва шаҳар ташкилотларини тузиш бўйича таъсис конференциялари бўлиб ўтди. Гулистон, Оқ олтин, Боёвут ва Шароф Рашидов номидаги туманларда бу йиғилишлар юксак ташкилий ва ижодий руҳда ўтди. Туманлар ва шаҳарлар партия кенгашлари ҳайъати раислиги ва ўринбосарлигига катта обрў ва эътиборли ташкилотчилиги билан ажралиб турадиган кишилар сайландилар. Булар орасида туман халқ таълими бошқармаси, тиббиёт ходимлари, қўшма корхоналар раҳбарлари, маданият ва фан арбоблари бор.

Бугунги кунда Миллий тикланиш партияси вилоят ташкилоти сафларидаги аъзолар сони 400 кишига яқинлашди.

Вилоят кенгаши яқин кунлар ичида ўтказиладиган ўзининг биринчи фаоллар йиғилишига тайёргарлик кўрмоқда.

Бу йиғилишда президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини кенг муҳокама қилиш ва туман ташкилотларининг ишларини йўлга қўйиш тадбирларини белгилаб олиш мўлжалланмоқда.

Ширингул САИДОВА,
Миллий тикланиш демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари

Редакцияга хат

ГАЗЕТАНИНГ ЕТТИ СОНИ

Ҳурматли редакция! Янги-янги нашрлар вужудга келганда, «Бу газета ё журналда нималар босилади?» деган хаёлга бораман, баъзан. Яширмайман, «Миллий тикланиш»нинг биринчи сонини кўрганда ҳам шундай ўйладим.

Мана, орадан қисқа фурсат ўтдию, хаш-паш дегунча газетанинг еттита сони уйимизда бир тахлам бўлиб йиғилди. Халқимизда «7» рақами хосиятли саналади, шундан келиб чиқиб, ўйлаб кўрсам, газета ҳақидаги фикр-мулоҳазаларим шакланиб қолибди.

Биринчи навбатда, газета ҳозирги кун учун қизиқарли мавзулар топаётгани, уларни ўзига хос йўсинда эълон қилаётгани алоҳида диққатга сазовор. Ҳафталикнинг 1-сонида профессор Ҳ. Зиёев жуда тўғри ҳақиқатни ёздилар: халқ қад ростлашни истайди! Қад ростлаш истагидаги халқнинг зиёлилари эса бу мақсадда маърифат ва назокат йўлини танлаши муқаррар!

Севимли шоира опамиз Ойдин Ҳожиева янги шеърларини (2-сон) «Истиқлол тарихнинг имтиҳонидир» деб атабдилар. Худди шундай! Чунки, тарих халқимизни мустақилликдек улуғ неъмат билан имтиҳон қилмоқда. Бугунги ўзбек Р. Абдулатиповга ўхшаш «холис»ларга вақтида ва аёвсиз жавоб бера олиши (Х. Даврон, «Ўликни судраган билан тирилмайди»), ўзимизга хос ва мос йўлни англаб етиши (И. Раҳимов, «Бизнинг ўзига хос йўлимиз»), эътиқодда пухта билимга таяниши (А. Мансур, «Бизнинг ҳақиқатимиз — тинчлик, эзгулик»), жажжи гўдакларимиз ҳақида жон койитиб қайғуриши (Г. Муродалиева, «Улғаяётган келажак») жуда-жуда катта аҳамиятга эга.

Улуғ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур билан Миср султони Барқуқ ораларидаги хат олишув (2-сон) тарихнинг кам маълум саҳифасини очди. Б. Муродалиевнинг «Ишқи мажозийми ёки ишқи илоҳий?» мақоласини ўқигач, қайта-қайта ўқиган «Ўтган кунлар» романини яна қўлга олишга қарор қилдим, негаки, мақола машҳур асарга бошқача қарашга ундамоқда.

Фариддиддин Аттор ҳикматлари таржимасини (М. Кенжабек таржимаси, 6-сон), профессор И. Абдуллоҳнинг ахлоқ-одоб тушунчасидаги мақолани ҳамма газетхонлар севиб ўқидилар десам янглишмасман.

А. Юнусовнинг «Эски Тошкент хандалари» (4-сон), А. Исроиловнинг «Отамнинг улфатлари» (7-сон) хотираномалари кишининг қалбида илиқ ва ёқимли нур таратади, бундай чиқишлар яқин ўтмишда яшаб ўтган ота-боболар руҳини шод этади.

Газетанинг етти сони чиқди, ундаги қизиқ-қизиқ мақолаларни яна санашим мумкин. Лекин аниқ хулосага келдимки, «Миллий тикланиш» тез орада ўқувчиларини ўз атрофига жамлайди, бошини қовуштиради, муштарийлар доираси кенгаяди. Мен бўлғуси журналист-қаламкаш сифатида ҳафталикнинг доимий муҳлиси ва муаллифларидан бири бўлиб қолишни орзу қиламан.

Нигора МИРЗАЕВА,
Тошкент

Анвар ЭШОНОВ

СОҒИНЧИМ СОҲИЛИ

Сўзлаганга — сўз дунё. Бўзлаганга — бўз дунё,
Бўзлаганим — оқ гулнинг ёлғизи бир тупмикан.
Ошиққа муҳаббатгир қўлларингни чўз, дунё,
Қайс кечган саҳроларнинг жайронлари жуфтмикан.
Шудринг томчиларидай майсаларнинг қатида —
Ўтинчим, настарингул баргига сингдир мани.
Унсиз соғинчларимни ўқисанг ишқ хатидай,
Соғинчим битта бўлса, ҳижроним мингдир мани.
Соғинчларнинг бағридан кечилган йўл кўп йироқ,
Қуёш насринбаримни кипригида тарагай.
Муҳаббат ярми тилла, ярми кумуш қўнғироқ
Сасларидай олислаб кетаётган арава.

* * *

Қайтмас турнамидинг-эй, қалбим қўналғасига,
Қалб соғинч ёки ҳижрон бириккан чўғхонадир.
Кечмиши оташ ўлган умрим йўналғасида,
Термулиб йиллар оша кўзларинг чўҳ ёнадир.

Мен ялпиз бўйлигимнинг хайрлашув қараши —
Ичра ҳуркак соғинчга илиниб қолган ашкман.
Дунё жуфт-жуфт учгуси турналарга ярашиқ,
Мен унда соғинчману, воҳ ажаб, бунда рашкман.

Соғинчим соҳилида гуллаганда ялпизлар,
Қайтса арғамчи солиб олис юртдан турналар.
Сарғайган соғинчларим бир қўналға қалб излар,
Тун гардун қабоғига тортганида сурма ранг.

***

Дунё бойчечакларининг мушкин бўйларисимон
Энтикиб қор остидан чиқаётган исмикан.
Ишқ ошиқ андалибнинг жўшқин ўйларисимон
Бир гулнинг ялпоғида қовжираган ҳисмикан.

Ҳисларим чақмоқларнинг пойидаги арчадир,
Гулга булбул ашкининг қатраси гар зарчадир.
Тонг, сани севдим деган бир ўтлуғ хабарчадир,
Бу дунё ҳар кишига ўзи очган дарчадир.

Муҳаббат дарчасидан мўрала-мўралама,
Гул узра андалибнинг ашкида мен бунёдман.
Сочинг сочбоғларига мушк бўлиб ўраламан,
Чунки мен ишқ аталган ўшал эски дунёман.

Етти иқлим чопари

ЯХШИЛИК БАРИБИР БЕЗАВОЛ

Киши ўзини ҳақ деб билиши яхши нарса. Буни ўктам шоиримиз ҳам жуда чуқур тушунган: «Ўзимга ҳақ туюлганимдан ширин бўлди ҳаёт иқлими», деб ёзган эди у шеърларидан бирида. Одам ўзига ҳақ туюлмаса, яшашнинг энг зарур бир нимаси йўқолгандек бўлиб қолади ва ҳатто яшашга зарурат қолмагандек ҳам туюлади.

Лекин ўзини ҳақ деб билишнинг жуда муҳим бир шарти бор. Шу шарт бўлмаса ёки у адо этилмаса, ўзига ҳақлик дарҳол ноҳақликка айланади.

У нима экан? — деб айтасиз.

Дунёнинг бугунги ишларига разм солайлик.

Ўзини ҳақ деб билишнинг биринчи ва асосий шарти: бошқанинг ёки бошқаларнинг ҳақини таниш ва тан олиш. Ва фақат шунга кўра иш кўриш, ҳаракат қилиш, қарорга келишдир.

Бошқаларнинг ҳақини танимаган ва ёлғиз ўзини ҳақли деб билган одамлар қанчалар ақлли ва қанчалар маданиятли бўлмасинлар, ўз хатти-ҳаракатларида ноҳақликка йўл қўядилар, балки ўзлари истамаган ҳолда ноҳақликдан қочиб қутула олмайдилар.

Кичановнинг Чингизхон ҳақидаги китобини ўқиб ўтириб, бу фикрим янада тиниқлашди. Кичановнинг ҳикоя қилишича, Чингизхон доим ўзини ҳақ деб билар экан. Бирон бир ҳолда ҳам ўзини ноҳақ деб қарамас экан. Шунинг учун ҳам, ўзи ёвуз ва шафқатсиз бўлмаган ҳолда ўта ёвузликлар ва ўта шафқатсизликларга йўл қўяр экан. Ўзини ҳақли деб бутунбутун халқларни қириб, ер юзидан йўқотиб юборарканг.

Ер юзида тоталитар тузумларнинг барҳам топиши умумий сиёсий ва ялпи ҳаётий иқлимларнинг илиши, жонланиши, яхшилик сари ҳаракатланиши халқлар, мамлакатлар ўртасида муносабатларнинг изга тушишига олиб келди.

Инсоният олдида янги адолатли ва фаровон келажак юз очди.

Аммо афсуски, ҳали тоталитар фикрлаш, тоталитар хатти-ҳаракатлар ҳамон одамлар ва айрим халқлар бошига оғир кунларни солиб турибди. Тоталитар фикрлаш сафсатабозлик ва мараз ёлғончиликларга асосланади. Тоталитар фикрлаш фақат ўзини ҳақ деб танийди ва бошқаларнинг ҳақини тан олмайди.

Кейинги ҳафта давомида дунёда рўй берган террорчилик хатти-ҳаракатларига эътибор беринг. Париж метросига мина ташлаб портлатдилар. Еттита мутлақо бегуноҳ одам ҳалок бўлди. Ҳўп, Бўшнада-ку, бўшна серблар билан бўшна мусулмонлари ва хорватлар урушаяпти. Бемаънидан бемаъни тарзда минглаб бегуноҳ одамлар ўляпти. Қочқин, қувғин, асорат авжида... томонлар ўзларини ҳақ деб биладилар. Шу Бўшнанинг бир қарич гўзал ерини охир-оқибат ким орқалаб олиб кетаркин космосга? Бўшналик сербми? Ёхуд бўшналик серб мусулмон? Ахир бунчалик омонсизлик қаердан келди? Ва бу омонсизликни нима учун энди бегуноҳ Париж кўчаларига кўчирмоқдалар? Париж метросида бегуноҳлар қони тўкилса, Бўшна ерини орқалаб кетиш осон кўчармикин?

Шу ҳафта Исроил ерида тинчгина одамлар кетаётган автобус портлатиб юборилди. Йигирмадан зиёд бегуноҳ одам ҳалок бўлди. Уларнинг айби нима ахир? Тинчгина ишга кетаётганлари, тинчгина яшаётганларими?

Бу мина қўйиб портлатишни қаерлардадир ўрганиб олган чингизхонлар қачон тийиладилар? Қачон инсоният уларни бир енгилмас муштга айланиб тартибга чақиради.

Дунёнинг барча бурчакларидан шу шафқатсиз минавозларнинг мудҳиш овозлари келиб турибди. Уларни ким қаерда минавозликка ўргатяпти? Ким инсониятни бунчалар таҳликаларга солишдан манфаатдор бўляпти?

Ахир чора кетидан акс чора келади.

Мана, Франциядай тараққийпарвар мамлакат ўз чегараларининг бир қисмини бутун дунё учун очиб қўйган, софдиллик ва ишончнинг ажиб намунасини кўрсатган эди. Франция инсоният чегараларсиз эркин ҳаётга ўтсин деб ўзи намуна кўрсатган эди. Оқибат яхшилик учун очилган йўллардан шум ёмонлик ҳам ўтиб борди ва қабиҳларча метрода мина портлатди. Бундай қабоҳатни кечириб бўлмайди ва ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Оқибат нима бўлди? Франция ўша софдиллик чегарасини ёпишга мажбур бўлди.

Ростми-ёлғонми, лекин газеталарда хабарлар босилди. Ироқда икки милён туркман узоқ асрлардан бери истиқомат қилади. Ўзини ҳақ деб билган ҳоким яқиндан бери шу икки милён туркманни «араблаштириш» ҳақида хоҳиш билдирибди. Ўзини «араб» деб ёздирмаган туркманга энди мамлакатда жой йўқ эмиш. Икки милён бу мушфиқ халқнинг гуноҳи нима? Туркман бўлганими? Худонинг азал ерларида тирикчилик қилаётганими? Ахир бунчалар бедодлик бўлиши мумкинми? Унинг сабаби нима?

Сабаби битта. Ўша-ўша тоталитар фикрлаш. Сафсатабозлик. Ёлғон. Ва фақат ўзини ҳақ деб билиш!

Тоталитар фикрлаш замирида доимо поймол ётади. Бу жиҳатдан ҳеч ерда ҳеч қачон истисно бўлган эмас.

Инсоният тез орада бу офатдан қутулиши зарурга айланиб қолди. Чунки барча террорчиликлар заминида ҳам фақат тоталитар фикрлаш ётибди. У экологик офат билан баробар, балки ундан ҳам баттарринроқдир.

Куни кеча Россиянинг раҳбари Черномирдиннинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан ўтган матбуот конференциясида Президент Ислом Каримов Россия журналистларига қарата шундай деди: Келинглар, кўринглар, менга истаганча савол беринглар. Лекин Ўзбекистон ҳақида ҳақиқатни ёзинглар. Президент бу билан уларни ўзгаларнинг ҳақи ва ҳақиқатига риоя қилишга ундади. Президент ҳар ким ўз ҳақини қандай севса, бошқалар ҳақини ҳам шундай севиб ҳурмат қилсин, деяпти.

Муносабатларда фаровонлик ва адолат ўрнатишнинг шундан ўзга йўли йўқ.

Замон китоблари

ҚАЛБАН ҲИС ЭТДИМ

Алпинист чўққига интилар экан, маълум масофада тўхтаб, ортига қайрилиб, босиб ўтган йўлига назар ташлайди ва қолган масофани қай йўл билан босиб ўтиш мўлжалини олади. И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўқир эканман, шу манзара кўз олдимга келди.

Мустақил республикамиз тўрт ёшга энди қадам қўйди. Айниқса мана шу оёққа туриш даврида босиб ўтилган йўлни бир бора умумлаштириб кўздан кечириш, ғалдаги вазифаларни белгилаб олиш кейинги тараққиётнинг гаровидир. Шунинг учун ҳам мазкур китоб айни ўз вақтида пайдо бўлган муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади, десак хато қилмаган бўламиз.

Китобда мустақил республикамиз иқтисодиёти, сиёсати, ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида ўтган давр ичида содир бўлган ўзгаришлар чуқур ва изчил таҳлил этилган.

Биз давр талотўмлари, кундалик ташвишлар орасида шу қисқа давр оралиғида амалга оширилган ишларни бир бутун олиб қараш, уларнинг улуғворлигини ҳис қилиш, умумлаштириб хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлавермаймиз. Мазкур китобнинг «Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» қисмини ўқир эканмиз, ўзингиз учун бутунлай бир янги дунё очасиз: шу тарихан қисқа муддатда босиб ўтилган мураккаб йўл, улуғвор ўзгаришларни қалбан ҳис этасиз, юрагингиз фахр туйғуси билан тўлади. Айни пайтда бу ўзгаришлар узоқни кўзлаб, оғир-босиқлик ва ақл-заковат билан олиб борилаётган сиёсатнинг маҳсули эканлигига ҳам иймон келтирасиз.

Китобнинг иккинчи — «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари» деб номланган боби мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йўл-йўриқларни қамраб олиши билан муҳим аҳамият касб этади. Б ўлар — хусусийлаштириш ва рақобатчиликка кенг йўл очиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисод таркибий структурасини тубдан янгилаш, ижтимоий кафолатларни кучайтириш, маънавий қадриятларни авайлаб асраш ва янги мазмун билан бойитиш каби масалалар бўлиб, бу вазифаларни уддалашнинг энг яқин ва ўзига хос йўлининг назарий асослаб берилиши кейинги тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шуниси диққатга сазоварки, И.А.Каримов бу вазифаларни бажаришнинг муҳимлигини таъкидлаш билан бир қаторда, мазкур жараённинг осон кечмаслигини, бугунги объектив шароитдан келиб чиққан ҳолда масалани ҳал қилиш катта ақл-заковат ва сафарбарлик талаб этишини ҳам эътибордан соқит қилмайди, тўғрисўз ва мард сиёсатчи, давлат бошлиғи сифатида йўлда учраши мумкин бўлган қийинчиликларни назардан қочирмайди, «Ҳаёлий жаннат» ваъда қилмайди. Айни пайтда, мана шу йўл билан собит-қадам олға борилса, мамлакатимиз биз орзу қилаётган буюк келажакка қараб муҳим қадам босишини, яқин келажакда жаҳон ҳамжамияти билан тенг туриб алоқа олиб борадиган республикага айланишини ҳам ишонч билан таъкидлайди.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнини таҳлил қила туриб, бу жараёнда маънавиятнинг ўрни ва ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, бу борада ҳам оқилона йўл-йўриқлар таклиф этилганлиги китобнинг энг муҳим ўринларидан деб биламан. «Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин» — мана бу муҳим ҳақиқат асар давомида қизил ип бўлиб ўтади. Бошқа соҳалар билан бир қаторда, худди мана шу жабҳада қўйилган муҳим вазифаларда бизнинг Миллий тикланиш демократик партиямиз ҳам ўзи учун кенг ҳаракат майдонини кўради. Партиямиз ва унинг жойлардаги фаоллари бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб даврда халқимизнинг маънавий соғломлигини сақлаб қолиш, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни замон мазмуни билан бойитиш ва катта қудратга эга бўлган республикамиз зиёлилари — олимлари, ижодкорлари, шифокору ўқитувчилари, инженер-техник ходимлари, иқтисодчилари, маданият арбоблари куч-қудратини ана шу вазифаларни бажаришга қаратишга сафарбарлик ҳиссини туймоқдалар.

Миллий тикланиш демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши яқин кунларда бўлиб ўтадиган ўз фаоллари йиғилишида ана шу йўналишдаги вазифалар ва амалга ошириш лозим бўлган тадбирларни муҳокама этишни мўлжаллаб турибди.

Акрам КАТТАБЕКОВ,
Миллий тикланиш демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши ҳайъати раиси, профессор

Давримни ўйлайман

Миразиз АЪЗАМ

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — МЕНИНГ ЭҲТИЁЖИМ

Она диёримиз мустақиллигининг ҳар бир йилида ранг-баранг воқеалар юз бериб, тарих саҳифаларида унутилмас излар қолдирмоқда. Бу йил Иккинчи Жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги нишонланиши шундай воқеалардан бири бўлди. Ҳа, орамизда бу урушда қатнашган, жони мукофотга қолган азиз ва табаррук кишилар бор. Урушда қатнашмаса ҳам, биз сингари, у даврнинг барча азият ва машаққатларини кўрганлар бор. Биз жабҳа ортидаги, юрт ичкарисидаги ҳаётда эзилиб ўсдик, қийинчилик билан улғайдик. Мана, ҳозирнинг ўзида ҳам, орадан ярим асрдан зиёд вақт ўтиб кетганига қарамай, «эзилиб ўсдик» дейишим биланоқ хотиралар тошқини бутун вужудимни чайқата бошлади. Баъзи хотираларимни келтирай. Улар қандайдир даражада бир қатор шеърларимда ўз аксини топган.

ОИЛАМИЗ ҲАЁТИДАН БИР ЛАВҲА

Мен шеърларимдан бирида: «Сен уруш нелигини биласанми? Уруш — бу, болалик йўқ демакдир. Уруш — бу, 8 яшар боланинг 48 яшар каби фикрлаши демакдир» деб ёзган эдим. Бу шеъримда яна шундай мисралар ҳам бор:

Оилада ҳар инсон пайи кафт учидай бир бурда қоранон.
Дастурхонга қарамайсан, қарагинг келса ҳам. Қарашга уяласан. Юзинг ўгирилар тепага.
Шипда тошқотганча осиғлиқ турар ўнинчи мойчироқ.
Радио йўқ. Электр йўқ. Қўшиқ йўқ.
Онам эзилмасин деб ўзингни ухлаганга соласан.
Нега одам дастурхонга қарашга уялади? Буни кўпчилик тушунмаслиги мумкин, тушунтириб берай: чунки дастурхонга қарасангиз, унда ҳеч нима қолмаган бўлади ва қорнингиз очлигини ҳамма сезади. Бундан онангиз эзилиши турган гап. Яхшиси, дастурхонга қарамаслик. Қорнингиз очлигини билдирмаслик.

Бир куни онам ва биз — уч бола — бувамникига борғандик. Бувам, бувим, икки тоғам ва биз — ҳаммамизга дастурхон ёзилди. Ўртада битта гижда нон. Тахминан ярим кило келса керак. Саккиз оғизга шу битта нон ушатилди. Бир дақиқада битирдик... Уйга келганда опам мендан гина қилди: «Одамни номусга ўлдирдинг. Дастурхонда нон тугагандан кейин, энгашиб, олдингда турган пиёланинг орқасига қарадинг, нон бормикин, деб...» Дарҳақиқат шундай қилганим ёдимга тушди. Опамдан кечирим сўрадим: «Опа, ҳеч қачон бундай қилмайман, ҳеч қачон..» дедим йиғлаб. Бу воқеа бўлганида мен роппа-роса 5 яшар, Наима опам эса саккиз ёшида эди. «8 яшар боланинг 48 яшар каби фикрлаши» сатрининг туғилишида шунга ўхшаш воқеаларнинг таъсири бўлган, шубҳасиз.

ОИЛАМИЗ ҲАЁТИДАН ИККИНЧИ БИР ЛАВҲА

Менинг «Отасиз болалар» шеърим шундай бошланади:

Уруш ютиб юборди не-не оталарни,
отасиз болалар
кўп
камситилдилар бу
дунёда.
Отасиз болалар
нинг оналари
кўпинча
таъқиб бўлди
бегона кўзларга ва
отасиз болалар
оталари ўрнида
оналарини ҳимоя
қилдилар,
оналарин этаги
олдига ўтиб.

Уруш йиллари бир ора бизнинг оиламиз Қилбелбоғ маҳалласида, холамникида турди. Маҳалла раиси Ортиқ ака деган қориндор бир киши эди. «Касаллиги учун урушга кетмаган», дейишарди. Яхши киши эди раҳматлик. Аммо унинг Ҳасан отлиғ кўк кўз, бир оз чапани укаси ҳам бор эди. Биздан беш-олти хонадон нарида турар, 3-4 боласи ва чиройли хотини бор эди. «Ҳасан кўккўзни акаси урушдан олиб қолган» дерди баъзи бировлар. «Урушга бориб, бир кунда яраланиб қайтган» дерди бошқалар. «Урушдан қочиб келган, «дизертир» дегувчилар ҳам бор эди.

Бир куни онам билан қаергадир йўлга чиқдик. Ҳасан кўккўз йўлимизни тўсди. Онамга алланималар деди, мен англамадим. Лекин онам шундай дегани ёдимда қолган:

— Ҳасан ака! Уялмайсизми?! Бунинг адаси билан ўртоқ эдингиз! У киши у ёқда қон кечиб юрса-ю, сиз бу ерда бундай гапларни...

Мен онамга бир нарса бўладигандек этаги олдига ўтиб икки қўлимни икки ёнга ёздим. У бўлса: «Ўйлаб кўр! Ўйлаб кўр!» деди тиржайиб ва ўтиб кетди. Онам иккимиз Ортиқ аканикига кирдик. Онам йиғлаб шикоят қилди. Ортиқ ака: «Ҳасанга айтиб қўяман! Жим юради! Кўрқма!» деди. Бу воқеа беш ёшли юрагимда оғир жароҳат қолдирди. «Катта бўлсам, бир тўппонча оламан, Ҳасан кўккўзни отаман» деб ўйлардим. Мен ниятимга етмадим. Тақдир масалани бошқача ҳал қилди: Ортиқ ака ҳам, Ҳасан кўккўз ҳам ўлиб кетишди. «Ҳасан ит ўлимини топди», дейишарди одамлар. Нима бўлганини билмайман. Аммо Ортиқ ака ўз ажали билан ўлди.

ОИЛАМИЗ ҲАЁТИДАН УЧИНЧИ ЛАВҲА

Биз ўша Қилбелбоғ маҳалласида турган пайтларимизда тирикчилик юзасидан гўмма пишириб сотардик. Тошкентнинг Хастимом даҳасида ҳозирги Ғафур Ғулом номидаги кинотеатр ўрнида бозор бўлар эди. Онам таъминан 20 дона гўмма пишириб берар, опам уни бозорга обориб сотиб келар эди. У пайтларда Лочин лақабли бир тур одамлар бўларди. Баъзан ҳимоясиз кишиларнинг сотаётган нарсасини пайт пойлаб туриб, чангаллаб олиб қочар, қочатуриб чангалига тушганини еб улгурарди. Одамлар уни тутиб ургани билан, тепгани билан фойдасиз, гужанак бўлиб, тепки еятуриб ҳам ўлжасини барибир еб битирарди.

Онам опамни бозорга жўнатаркан:

— Менга қара, қизим, ўзингга пишиқ бўл, гўммани лочинга олдирма. Агар қорнинг очиб, ўзинг есанг розиман, лочинга олдирсанг, сени савалайман. Каттароқ кишиларнинг орасига бориб ўтир, тушундингми?! — деб огоҳлантирарди. Опам «хўп, хўп»лаб маъюс чиқиб кетарди.

Бир куни опам бозордан қайтганда, онам 20 гўмманинг пулини санаб оларкан, бир гўмманинг пули кам чикди.

— Лочинга олдирдингми?! — деди онам қошларини чимириб.

— Йўқ, опажон, қорним жуда очиб кетди. Ёнимдаги ҳамма одамлар бир нарса еяётганда, мен ҳам битта гўммани ея қолдим.

— Алдамаяпсанми? Лочинга олдирмадингми? Тўғрисини айт! Барибир бозорда суриштириб билиб оламан!

— Йўқ, олдирмадим, ўзим едим.

— Майли ундог бўлса. Кир ичкарига. Танчага тиқил. Оёқларинг диргизлаб қотиб кетибди. Исин. Бўйларингдан айланай, ёнимга кириб қолган она қизим...

Кечқурун онам қўшниникига чиқиб кетди. Биз уч бола ўрингга тиқилдик. Бир маҳал опам менга ҳасрат қилди:

— Миразиз... Ёлғон гапирдим... Гўммани олдирдим, Худо кечирсин.

— Қўрқманг, опа, — дедим юракларим увишиб. — Худо кечиради...

Опа-ука бир-биримизга далда бериб ётар эдик...

ОТАМ УРУШГА КЕТДИ

Уруш арафасида бизнинг оила ўзига тўқ бўлган, дейишади. Мен бу гапга ишонаман. Чунки ўқитувчиларнинг обрўйи катта бўлган, давлат томонидан юксак тақдирланганлигини, одамлар муаллимларни бамисоли министрлардай ҳурмат қилганликларини кўп эшитганман.

Менинг отам — Миргани Аъзамўғли — 1912 йилда Тошкентда туғилган. Болалиги инқилоб йилларига тўғри келган. Замон тақозоси билан биринчи кашшоф, биринчи муаллим, сўнг мактаб бошлиғи бўлган. 28 ёшида 23-мактабнинг директори эди. Урушга ҳам шу ер, шу лавозимдан кетган. Менинг отам «совет тузуми — оламнинг энг ғўзал тузуми» деб ўйлайдиган авлод намояндаларидан эди. Ўзини тарбиялаган давлатни муқаддас деб билар, фашизм босқинини ҳеч қабул қила олмас эди. Отамни таниган-билган одамларнинг айтишича, ўша машъум 1941 йилда уруш очилган куннинг эртасигаёқ отам жангга кетмоқчи бўлиб, Октябр (ҳозирги Шайхантоҳур) район ҳарбий комиссарлигига ариза ёзиб борган. Комиссарликдан аризани қайтаришган, «Керак бўлсангиз, кейин ўзимиз чақирамиз» деганлар. Июн ойининг охиригача отам яна ариза ёзган. Яна қайтаришган. Онамнинг айтишича, баъзи бир дўстлари: «Нима қиласиз жаҳаннамни орзу қилиб? Ўзлари чақирмагандан кейин жимгина юравермайсизми?» дейишган отамга. «Йўқ, — дер экан отам. — Биз бормасак, ким боради? Ким ватанни ҳимоя қилади?» Онам билан ёлғиз қолган пайтларида эса: «Қўрқма, Финляндия урушида бўлгани каби, бу гал ҳам фашистларни бир-икки ойда тинчитиб юборамиз!» дер эканлар. Ҳуллас, июл ойида яна 2-3 марта ариза қилиб борган отамни, ниҳоят, армияга жўнатадилар. Отамнинг сафарига атаб, оиламизда бир йиғин бўлган ва кўпчилик қариндош-уруғ ва ёру дўстлар кузатишга келишган. Эски Жўвадаги банк ёнида жойлашган ҳарбий комиссарликдан вокзалга қараб кетаётган йигитлар ва кузатувчилар дувури менинг хотирамга муҳрланиб қолган ва бу кейинчалик «Кузатиш» шеъримнинг туғилишига сабаб бўлди.

КУЗАТИШ

Кўнглимда жонланди бир ҳол тўсатдан
Беш яшар пайтларим, олис саратон:
Эски Жўвадаги ҳарбий коматдан
Ҳадра ёққа қараб юрди оломон.

Кимнинг етагида эдим, эсда йўқ,
Онам бўлса керак ё катта дадам.
Тапиллаб борарди юзларча оёқ,
Бир ёққа юрарди юзларча қадам.

Отам шапкасини кунпана қилиб
Бир қўлда қизамиқ чиққан укамни
Кўтариб борарди. Онам эгилиб
Силаб қўяр эди гоҳ-гоҳ елкамни.

— Онаси, икки гап сенга бўлсин ёд —
Деб отам у асно айловди хитоб, —
Мендан қолаётир сенга уч зурёд,
Мендан қолаётир ҳам минглаб китоб.

Биринчи гапим шу: мен кетгандан сўнг
Шу уч зурёдимни ўкситма ҳеч бир,
Билки, хафа қилсанг, ишим келмас ўнг,
Руҳим нотинч бўлар — ўзингга жабр.

Иккинчи гапим шу: китобларимни
Сақла, фарзандларим ўқишсин бутун,
Сўнг фарқлаб олишар бутун-яримни,
Сўнг таниб олишар оталар юртин.

Онам эркаланиб жилмаяр эди,
Отамнинг кифтига суйкарди бошин.
Ҳали сезмас эди ҳижроннинг ҳидин,
Ҳали урмаганди айрилиқ тоши.

Иситмалаб, қип-қизил гўшт бўлиб кетган,
Юзларига чечак тошган укамни
Бағрига босганча борарди отам,
Онам силар эди менинг елкамни.

Гоҳ у ён, гоҳ бу ён ҳилпираб ўтиб
Тўхта холам эди гирдикапалак.
Жавраради отамнинг енгидан тортиб:
— Ҳой, мунча болам деб бўлмасанг ҳалак!

Отам борар эди кулиб, чурқ этмай,
Бағрига босганча бир парча этни.
(Билмас: ахир, ўлар олти ой ўтмай,
ҳимоя қиларкан ўзи пойтахтни).

Ёпишарди терли жисмимга тупроқ,
Қоқилиб-суқилиб борардим базўр.
Бир ёққа юрарди юзларча оёқ,
Зеҳнимга нақшланар эди бу дукур.

Кейин тирикчилик елкага тушди,
Тузалмас касалга чалинди онам.
Уйни иситгали қаҳратон қишда
Ўтин қилиб ёқдик китобларни ҳам.

Етимлик зарблари урди муттасил,
Есирлик жарида ҳўрланиб, сарсон,
Биримиз — терлама, қай биримиз — сил,
Биримиз — ичбуруғ, ўсдик чалажон.

... Сиз эса, маконга тўймаган нокас,
Нафсин тиёлмаган ҳоҳо аҳллар,
Қўлида фарзандин-дилбандин эмас,
Нитрон, лазерларни тутган жоҳиллар,

Иқбол ғанимлари, машъум шайтанат,
Етимлик худоси, истагани — хун,
Сиз кимнинг кўзини қилиб шамғалат,
Кимни лақиллатмоқ бўласиз бу кун?!

Қўйинг, тинчлик ҳақда сотманг сафсата,
Бизга гап керакмас, бизга керак иш.
Келинг қўлингиздан қуролни отанг,
Яшашми — яшайлик, Қуришми — қуриш.

Тўкис яшолганни қўйингиз тўкис,
Озод яшаганни қўйингиз озод.
Не-не шартномалар босиб кетди ис,
Не-не шартномалар бўлди-ку, барбод!

Энди жанг бўларса бўлар ғолибсиз,
Миллиард йил орқага чекинар ҳаёт,
На сиз ер юзида қоларсиз, на биз,
Тирик қолар бўлса, қолар беш-ун зот.

Набий Нуҳ тарихин такрорлаб яна
Маҳшар борармизми ёлгиз кемада!
Шу Ерни биз учун этиб бошпана
Раббимиз берган-ку! Ё гап нимада?

Шеърдан кўриниб турибдики, отам урушга кетганига олти ой бўлганда ҳалок бўлган. Оиламизда муқаддас ёдгорлик бўлиб қолган бир хат — отамнинг сўнгги мактуби сақланган. У, жабҳадаги жангчилардан мамлакат ичкарисига келган милён-милён бошқа хатлардан у қадар фарқли бўлмаса ҳам, назаримда эътибор беришга арзирлик жойлари бордек кўринади.

ОТАМНИНГ СЎНГГИ МАКТУБИ

«Соғинчли салом. Гўзал она юртимда яшаб турувчи ёш ва бахтиёр оиламга — энг ярқин меҳрибоним Хатирахонга (бу — менинг онам!), шу ёш оиланинг ўсиб келаётган гулғунчалари, келажак ҳаётимизнинг порлоқ нурлари — ширин қизим Наимахонга, дўндиқ ўғилларим Миразиз ва Мирвалига! Мен, Ватан йўлида ... Хизмат қилиб турган ва ҳар дамда сизлар тўғрингизда ўйлаб, ғамхўрлик қилиб юрувчи адангиз Миргани Аъзамовдан, салом. Мен ўз муқаддас бурчимни шараф билан бажариб юрибман. Сизларнинг ҳам чаманзор Тошкентнинг соф-тинч ҳаволари бағрида омон — соғ-саломат яшамоқларингизни чин қалбимдан тилаб юрибман.

Биз яна илгари турган жойимиздан бошқа ерга кўчдик, албатта, турар еримиз бундан кейин тез-тез ўзгариб туради. Мен ҳамма борган жойларимни сизга ёзиб маълум қилишимнинг ҳожати йўқ. Фақат шуни эсдан чиқармаслик керакки, сизга маълум адресим ўзгармайди.

Бу Русиянинг об-ҳаволари сизларга илгаритдан маълум бўлган совуқдан иборатдир. Қаерга бормайлик қаҳратон қиш, қалин қорлар — чегараси йўқ. Қалин ўрмонзорларни кўрамиз. Биз ҳозир қалин ўрмонлик ичида бўлган бир қишлоқда ёғочдан ясалган уйларда яшаймиз, кийимларимиз дуруст, қалин, яқинда оёққа иссиқ пийма берганда кейин оёқларимизнинг совуқ олишидан қутулдимиз. Аммо, қўлқоп берган бўлса ҳам, жун бўлмагани учун, бармоқларимиз совуққа чидамай турибдир. Мен яқинда Қосим билан учрашган эдим, у ҳам фақат совуқдан қийналибди. Кўп вақтдан буён папирос, махорка (тамаки)дан қийналаётган эдик, яқиндан буён ҳаммага етарли махорка бера бошладилар. Менга посилка юборгансизлар деб эшитдим (амаким хатида ёзганди), мен олганим йўқ. Почтага сўров ёзиб, қайтариб олинглар.

Мен Москва областига келишим билан урушга яқинлашиб қолгандирман, деб ўйлаган эдим, ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди...

Митишдан Ғуломга хат қилиб эдим, 13 январда ундан жавоб олдим, ёзишига қараганда, тан-жони соғ, омон-эсон ўз вазифасини бажариб юрибди экан. Сизларга ҳам салом айтган.

Сизлар менга хат ёзганингизни эшитаман, аммо сизлардан — Тошкентдан биронта ҳам хат олганим йўқ. Сизлардан фотосуратлар сўраган эдим, ҳанузгача дарак йўқ.

Жоним Хатирам, болаларни жуда соғиндим. Мен учун яхшилаб суйиб қўйгин. Иложи бўлса дам олиш кунлари кинотеатрларга олиб чиқ. Ким уларни хафа қилса, менинг руҳим қийналади...

Мендан ҳеч хавотир олманглар. Худо хоҳласа, яқин кунда ғалабамиз билан ўз ватанимизга қайтамиз. Газета ўқиб турган бўлсангиз, бизнинг Қизил Армиямиз душманга бераётган зарбаларни ўзингиз ҳам биласиз.

Мендан бутун ошно-оғайниларга салом айтинглар. Хайр, омон бўлинглар, тезда дийдор кўришайлик. Отангиз Миргани.

21 январ 1942 йил.

Калинин фронти».

Хатдан кўринадики, отам юрт ичкарисида иқтисодий аҳвол мушкуллашиб кетганини билмайди, суратга тушиб, расм юбориш ва кинотеатрларга бориб туриш ўзи бўлмаслигидан бехабар. Буни биз билар эдик. Онам шўрлик отамнинг чизигидан чиқмаслик учун ўзини ўтга-чўққа урар, бизни бир амаллаб киноларга ҳам, театрга ҳам юборар эди... Шу тариқа мен беш ёшимдан бошлаб Ёш томошабинлар театрининг доимий томошабини бўлгандим. Дала почталарининг хизмати эса нотекис, армияда кийим-кечак таъминоти ҳаминқадар бўлгани ҳам кўринади. Отам бу хатни ёзаётанда оламда яна ўн кунликкина умри қолган эди. Ўзи ҳам, хатда номи тилга олинган Қосим ака ҳам, 1942 йилнинг 31 январидами, 1 февралидами Русия тупроғига ем бўлдилар. Қосим ака — қариндошларимиздан бири бўлади. Отам билан деярли тенгдош, маҳалладош ва ишдош бўлган. Яъни Қосим ака отам ишлаган мактабда ўқитувчи, айни чоғда энг яқин дўсти бўлган. Уларнинг дўстлигига ҳамманинг ҳаваси келаркан. Фарҳод ва Шопур каби, Ҳамлет ва Горацио каби бўлганлар. Бирга хизмат қиламиз, деб, ҳарбий комиссариатга бирга ариза ёзиб, урушга ҳам бирга кетишган. Аммо жабҳага борганда қўшни баталёнларга тушиб қолишган, аммо битта — Калинин фронтида хизмат қилишган ва бир кунда ҳалок бўлишган. Хатда номи келган Ғулом эса, менинг тоғам, яъни отамнинг суюкли қайниси бўлади. Тоғам — Азимхўжаев Ғулом — 1939 йилда ҳарбий хизматга олиниб, Ғарбий Фронтга юборилганлар. 1941 йилда хизматдан қайтай деб турганда, уруш бошланиб қолиб, армияда қолиб кетганлар. Урушдан олдин ҳам, уруш пайтида ҳам отам билан хат ёзишиб туришган. Тоғам ҳарбий хизматдан урушдан кейин, 1946 йилда қайтиб келдилар. Ўндан ортиқ орден ва медаллари бор, Олий Бош қўмондоннинг 27 ташаккурномасини олганлар. Ҳозир, қариндошлар орасида энг табаррук, энг севикли зотлардан биридирлар. Ғулом тоғамнинг айтишича, 1941-42 йилларда Ғарбий Фронт қисмлари бир неча бора чекиниб, Калинин фронтига қўшилишган ва бўлинмалар тўлатилиб, қайта Ғарбга жўнатилган экан.

У ҲАМ ХУДДИ ОТАМДАЙ

Яқинда мен, Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланаётган ойларда бир жангчи шоир билан танишиб-дўстлашиб қолдим. Биз иккимиз мактаб ўқувчилари билан учрашувларга бордик. Иккинчи жаҳон урушида у ҳам Калинин фронтида хизмат қилган экан. Исми шарифи Мирон Докторов. У ҳам, худди отамдай, аммо бироз ёшроқ чоғида, 17 ёшида, урушга ўзи талабгор бўлиб кетган экан. Отамнинг Калинин фронтида ҳалок бўлганини айтганимда, Мирон Докторов бир воқеани ҳаяжон билан гапириб берди. Дейдики:

— 1942 йилнинг январ-феврал ойлари Калинин фронти учун фожиа, энг катта йўқотишлар палласи бўлган. Ҳамма тепаликлар фашистлар қўлида эди. Улар бу тепаликларга пулемёт ер тўласи (ДЗОТ) қуриб олишган, яқинлашган қўшинларни ер билан битта қилиб қирар эдилар. Бизнинг баталёнда 500 га яқин кишидан 17 ҳарбий омон қолган ва чекинган эди. Бошқа баталёнлар ҳам шундай бўлган. Гап шундаки, бизда қурол етишмас эди. Ҳатто оддий милтиқ ҳам икки-уч аскарга биттадан, ўқ ҳам етарли эмас эди. Бу аҳволда тепаликларни олишга уриниш ақлсизлик эди. Тепаликлардан ҳар тараф яққол кўриниб турар, қимирлаган зотни уриб йиқитишдан осони йўқ эди. Бизникилар фашистларни отолмас, ғранаталар билан яқинлашишга имкон йўқ...

Бу ҳикояни эшитганимдан бери гоҳо-гоҳо миямга чақмоқлар санчилаётганга ўхшайди. Отамнинг, Қосим аканинг, Шариф поччамизнинг ўлимлари ҳам зое кетганлигини ўйлаб юрагим сиқилади. Яна ўзимга ўзим далда бераман. Йўқ, дейман, уларнинг ўлимлари зое кетмаган. Иймон билан, эътиқод билан курашиб шаҳид бўлганлар. Оллоҳ, бу урушда ҳалок бўлган 400 минг ўзбек фарзандининг бу тўкилган қонларнинг бадалини, мукофотини, балки, бизнинг кунларга олиб қўйгандир, дейман. Худо раҳмат қилсин ҳаммаларини...

НОН ВА ТУЗ ҚАДАР

Мен ҳозир Дархон томонда, Мирзакалон Исмоилий номи берилган 41-маҳаллада тураман. Салоф бўйлаб шундоқ Пушкин кўчасига чиқишим билан катта чорраҳада бир шиорга кўзим тушади: «Бугунги тинчлик, барқарорлик — энг катта бойлигимиз». Баъзида тевараграфда урушдан кейин туғилган, уруш даврининг фожиаларини кўрмаган айрим ёшлар бу содда, нондек азиз сўзларнинг маъносини англаб етармикинлар? — деб ўйлайман. Яна ўзимга тасалли бераманки, нега тушунишмас экан: бу, бугуни куннинг энг муҳим масаласи-ку! Шахсан мен учун тинчлик ва барқарорлик жисмонан ҳис қилинадиган даражадаги бир эҳтиёж! Биз мустақиллик йўлидан аста-аста одимлаб бораётган мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни қаттиқ қадрлаймиз. Бизнинг авлоднинг самимий гапи бу! Менимча, бизнинг авлоднинг эҳтиёжи бугунги кунда бутун миллатнинг эҳтиёжидир. Чунки миллатнинг тақдири, унинг мустақиллигини сақлаб қолиш масаласи кун тартибида турган бир пайтда ноўрун жангарилик, мансабпарастликка бориб тақалувчи бачканароқ курашларни ҳазм қилиш қийин. Унинг ўрнига миллий бирлик учун бутун иқтидорни сарфлаш минг бора устундир. Ўз мустақил давлатини барпо этаётган миллат ичида сиёсий барқарорлик нон билан туздай зарур. Қудратли Давлат бўлиб тикланишимизни, «Туркистон — умумий уйимиз» бўлишини истамайдиганлар бизнинг ҳар бир қадамимизга кўз тикиб турганлари ҳеч кимга сир эмас. Ҳа, турган гап, биз ҳозирги даврга мос келадиган бир давлат қурмоқчи эканмиз, ўзимизга мансуб бўлган жамиятнинг миллий қадди-қомати, табиати, тинчи ва фаровонлиги йўлида тўғрининг, янгининг, ғўзалнинг ва фойдалининг қарор топиши учун курашмоғимиз керак. Бу эса уч-тўрт йиллик иш эмас, ўнларча йиллар давом этиши мумкин бўлган мураккаб масаладир. Ҳар биримиз ўз ўрнимизда ҳамма билан баб-баравар ва биргаликда шу бино қурилишига бирорта ғишт қўйишга интилсак бас, бу — инсонларга ҳам, Оллоҳга ҳам хуш келишига ишонаман. Ахир, севикли пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларида ҳам шундай буюрилган: «Мўмин мўмин учун пишиқ бир бинонинг қурилишига ишлатилган тошлари кабидирки, у тошлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб туради». Биз бирликка интилишимиз керак, тинчлик ва барқарорликни сақлашимиз керак.

Фалсафий гурунг

Муҳаммад ИСМОИЛ

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...



Бир оғайним бор эди. Катта мол-мулк эгаси бўлиб кетганидан кейин орамизга рахна тушгандай бўлди. Унинг самимийлигига шубҳа қила бошладим. Энди ўйлаб қарасам, айб унда эмас, ўзимда экан. Бироз камҳаржлигим туфайли, дўстлигимизни орқа қилиб, таъма арқонини ўртага ташламоқчи бўлибман. Бу таъмагирлик, қачонлардаги ижтимоий тенглик ақидасининг алмисоқдан олган оқаваси эди.

Замоннинг зайлини қаранг-ки, кимдир бой бўлиши, бу — кимдир илмли, кимдир омадли, кимдир баҳонаи сабаб эл назарига тушиб кетишидай табиий ва ҳасад қилинмасликка маҳкум ҳол эканки, олим зеҳни ўткир бўлгани учун, уста моҳир ҳунарманд бўлгани учун айбдор бўлмаганидай, бой ҳам бой бўлгани учун маломатга лойиқ зот бўлмаслиги керак эканки, ҳар ким ҳар кўйга яралиши, ҳар кимга ҳар бошқа имтиёз берилиши тунда юлдузларнинг ёрқин кўринишидай минг йиллардан буён давом этиб келинаётган анъана экан.

Кимдир ўз қадрини обрў-эътибори билан ўлчайди, кимдир шон-шуҳрат, кимдир осойишта ҳаёт билан, кимдир эса бойлик билан ўлчайди. Шу туфайли бойлик очкўзликнинг ҳосиласи эмас, инсон ўз қадрини баҳолай олишининг маҳсули ҳам экан. Шу билан бирга у ўзига хос ўлчов бирлиги ҳамдирки, бойлик қошида одамнинг барча хислатлари яққол намоён бўлади, оқнинг оқлиги кўринади, қоранинг қоралиги.

Тарихда энг бой ҳисобланиб келинган инсонлар Абу Бакр Сиддиқ, Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳулар ўзларининг нафақат бой бўлганлари учун улар бой эди дейилади ва намуна қилиб кўрсатиладилар, улар инсоний хислатларнинг энг олийжанобларини ўзларида намоён этганлари учун ҳам моддий жиҳатдан ҳақиқий бой эди, дея эътироф этиладилар.

Хўш, бойлик ўзи нима? Бойлик инсон хислатларининг кўзгуси бўла олар экан, бойликнинг ўзини ҳам ўлчови борми? Бу ўлчовнинг таърифи қандай? Бу ҳақда бош ҳисобчимиз сал юқорироқдан келиб шундай баҳони қўяди: «— Пулга эҳтиёж сезмаслик, бойликдир». Тожир дўстим эса: «— Бойлик дунёнинг қадрини англаш, ўзингга келган неъматларни эъзозлай олиш, ҳатто ярим миқолга тенгини ўз ўрнида ишлатмасанг, уволи тутишидан қўрқиб туришдир», — дейди.

— «Ўлик чивин қанотича кўрса қадрин мол-мулкни, Оллоҳ, кофир зотига бермасди бу ўликни», — дейди, отамерос китоблардан руҳланиб юрган хонадош шоир.

Энди тарихга бир назар ташласак. Бойлик нафақат босқинчилик урушларини бошлаб берди, у шу билан бирга улуғ ғояларни тарқалишига ҳам олиб келди. Ер юзида биронта улуғ саркарда йўқ-ки ғоясиз урушган бўлса, уларнинг албатта бирор мақсадлари бор эди, ҳеч бўлмаганда уларнинг ўзи шундай деб ҳисоблашарди. Айтайлик, Александр Македонский инсон (шахс) эрки ва озодлиги учун курашди. Наполеон Бонапарт янги давлат қонунчиликларини жорий этмоқчи бўлди. Улар бу ғояларни маълум миқдорда жорий этдилар, шу билан бирга ўз салтанатларини шу қадар бойитдиларки, ҳатто кечагина Сена дарёси ёқасида кир ювиб юрган Наполеоннинг синглиси, никоҳ тўйига, олтину-гавҳардан ташқари олти милён франк тилла танга оларкан, камлигидан нолиб, анча вақтгача акаси билан аразлашиб юрди.

Ислом лашкарлари бойлик тўплаш учунгина дунёда Оллоҳнинг динини тарқатмаган бўлсалар-да, бойликка интилиш ҳисси уларда йўқ эди десак, инсон хислатларига, майлларига бирёқлама баҳо берган бўламизки, валлоҳу аълам, бундай хатолардан Худонинг ўзи асрайди деган умиддамиз.

Бунинг акси ўлароқ «тирноқча бойлик остида шайтони лайннинг ботмон-ботмон ҳийласи ётибди», дея ишонувчи сўфийлар таълимоти кенг тарқала бошлагач исломнинг жаҳон сари музаффарона юришлари камая бошлади. Улар назаримизда жоҳилиятни фақат яхши сўзларнинг ўзи билан ҳам енгиш мумкин дея ҳисоблашарди. Жоҳилиятни жазо чоралари билан ҳам енгиш кераклигини инкор этишарди. Наҳотки, Оллоҳ муҳаббатини қозонишнинг фақат биргина йўли бўлса?

Албатта тасаввуф таълимотининг келиб чиқиши табиий ҳодиса. Чунки, табиатан таркидунё одамлар, мол-дунёга қизиқмайдиган одамлар бугунги кунда ҳам бор... Демак Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси шу экан десак хато қилмаймиз.

Шу жиҳатдан бойлик ҳам илмга, маърифатга ўхшаган нарсадирки, кимлардир унга интилади. Кимлар эса йўқ.

Албатта илму маърифат инсониятни тараққиёт сари элтади, зеро ҳар қандай илму маърифат тараққиёт сари элтмаса-да, асл моҳияти ривожланишнинг самарасидир. Худди шунингдек, бойлик сари интилиш ҳам, халқларни тараққиёт сари элтишни истайди. Бунда ҳам киши албатта ўз ношудлигини, ғофиллигини, жаҳолатини енгиб бойлик сари интилади. Маълум бир бойлик тўплаш учун, албатта киши ўз ношудлигини, уқувсизлигини, қўполлигини, ўз сўзида туролмаслик каби иллатларини енгиши шарт. Чунки, ҳукуматнинг ҳам, шариатнинг ҳам қатъий қонунлари ҳар ерда мавжуд ва бу қонунлар албатта ўз ҳақларини талаб қилади. Киши ўзини тарбияламасдан туриб, ўзининг бир қатъий сўзига эга бўлмасдан туриб, савдо оламининг талотўпида эсанкираб қолиши, топталиб кетиши ҳеч гап эмас.

Дўстим бир куни Чорсу бозорида келтирилган молларини савдога қўяр экан, ҳар бир харидорга сотилаётган буюмининг айбини айта бошлади. Албатта бу ҳам ўзига хос жасорат, тажрибали одамнинг жасорати. Худо гувоҳ, савдосининг суръати пасайиб қолгани йўқ. Аввалига бундан харидорлар ажабсинишди, ҳатто шуни айтиш шартмикан, дегандай оғринишди ҳам. Лекин баъзилар унинг айнан тўғрисўзлиги учун, матоҳни харид қилишди чамамда. Дўстим эса, ўзининг икки карра ютуғидан жуда хурсанд эди. Энди у топган фойда мутлақо ҳалол ҳисобланарди.

Тўғри сўзнинг кучини халқ яхши билади. Тошкент мамлакатнинг маркази бўлгани учун, савдо аҳли ўзининг вилоятдаги гумашталари билан бирор битим тузишдан олдин кўпинча телефон орқали келишиб оладилар. Бу ерда сўзлашилган бир оғиз сўз кўп нарсани ҳал қилади. Ўртада ишонч ҳосил бўлгач, иккиёқлама сарф-харажатлар, саъй-ҳаракатлар бошланиб кетади. Юзлаб чақирим масофа йўл босилади. Савдода бусиз мумкин эмас. Эндиликда миқёс янада кенгайди. Халқаро қўламдаги савдо битимлари тузила бошланди. Оддий кичик корхона раҳбарлари ҳам, шундай савдо-сотиқ битимлари тузишмоқдаки, бу нарса жамиятимизни албатта ҳуқуқий давлат тузумига олиб келади. Давлат жамиятга ўз ишончини билдирди. Жамиятнинг ҳам ҳар бир фуқароси эндиликда хусусийлаштириш даврида бозор иқтисодининг бир вакили сифатида ўзининг ҳуқуқларини тўла ўзлаштириб олишга ва тадбиқ этишга ҳақли. Шу ўринда минг йиллардан буён яшаб келган, инсон хислатларининг барча хусусиятларини ўзида жамлаган исломий қонун-қоидалар ҳам ўз-ўзидан ҳаётимизга, яшаш тарзимизга сингиб бораверади. «Ҳар қандай давлатнинг емирилиши учун ўша давлатда порахўрликни кучайтириб юборишнинг ўзи кифоя», — деган эди катта олимлардан бири. Давлат порахўрликка қарши кураш олиб бораяпти. Бунинг учун махсус жазо муддатлари белгиланган. Ҳадиси шарифда: «Порахўрлар, ҳақиқатда ўз қоринларига олов еган бўлурлар», дейилади. Худди шунингдек, судхўрлик, ҳаром нарсалар билан савдо қилиш ўзбекларга, албатта ўз-ўзидан эриш туюлади.

Бугунги кунда авж олиб кетган бир номаъқул иш ҳам кўнглимизга малол келмоқда. Шаҳарга келтирилаётган молларни қимматга сотиш учун йўлда харид қилиб олиш, шариатимиз томонидан минг йиллар олдин таъқиқланган, ҳукумат томонидан қатъий жазо чоралари белгиланган бўлса-да, кўпгина «йўлтўсарлар» ўз билганларидан қолишмаётир.

Ундай кишиларни «олибсотарлар» дейишади. Улар ҳақиқий савдогарликдан жуда узоқдаги кишилардир. Ҳақиқий савдогарларнинг мақоми эса жуда улуғ. Улар, аниқроғи, ростгўй ва шариатнинг тўғри йўлини тутувчи савдогарлар, қиёматда пайғамбарлар, покиза инсонлар ва ҳақ йўлида шаҳид бўлганлар билан бирга бўлиши марҳамат қилинган. Мана, ҳақиқий савдогарнинг даражаси бизда нақадар юксак. Ҳукуматимиз томонидан ҳам худди шундай савдогарларга, тадбиркорларга, ишбилармонларга кенг йўл очиб берилмоқда. Фақат савдогарликни осон ва енгил касб деб

ҚАЛБИНГИЗДА ВАТАН МАВЖЛАНАДИ

КЎРГАЗМА ЗАЛИДАГИ ЎЙЛАР

Яқинда Франциянинг биринчи элчиси Жан-Пол Везиан ваколат муддатини ўтаб, Ўзбекистон ҳудудларини тарк этди. Гарчанд Франция билан кўҳна мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар олис асрларга — Амир Темур даврига бориб тақалсада, бу алоқаларнинг мунтазам тус олиши ва ҳар тарафлама илдиз отиши учун Ўзбекистон мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан муносиб ўрин эгаллаши лозим эди.

Жан-Пол Везиан Франциянинг серқуёш мамлакатимиздаги биринчи расмий элчиси сифатида дипломатия тарихида қолади. Унинг элчилик фаолияти даврида Париждаги элчихоналарнинг бирида Ўзбекистоннинг Давлат байроғи бир умрга кўтарилди. Икки мамлакат бошлиқларининг расмий визитлари бу мамлакатлар ўртасидаги дипломатик, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мўътадил изга туширди. Хусусан, маданият бобида анчагина самарали ишлар қилинди. Жазойирлик француз драматурги Фотима Галернинг «Малика» пиесаси Аброр Ҳидоятов номидаги театр саҳнасида ҳаёт юзини кўрди. Шу театрнинг «Искандар» спектаклида таниқли француз артисти Франсуа Шатронинг маҳорати туфайли Алишер Навоий илк бор Ҳюго ва Балзак тилида сўзлаб юборди. Элчихона ҳузурида ташкил этилган социологик тадқиқотлар институти Мовароуннаҳр ҳудудида асримиз бошларида жунбишга келган жадидчилик ҳаракати билан астойдил қизиқиб, халқаро симпозиум ўтказди, махсус тадқиқотлар китобини тайёрлади ва бу масала билан мунтазам шуғуллана бориш ниятида ҳозир ҳам хайрли ишлар олиб бормоқда. Француз тили, адабиёти ва санъати билан машғул бўлган тўрт ўзбекистонлик олимнинг илмий изланишлари Франциянинг Хурмо ялпоғи нишони билан тақдирланди. Элчининг ўзбек диёри билан хайрлашув кунларида эса француз фотографи Пол Надарнинг кўргазмаси очилди.

Бу навбатдаги кўргазманинг фазилати шундаки, унда намойиш этилган фотосуратлар бизни Пол Надарнинг ватани билан эмас, аксинча, бир пайтлари унинг ватандошларини турк олами манзаралари билан, хусусан, Ўзбекистоннинг қадимий меъморий обидалари билан таништирган. Агар бу суратлар ўтган асрнинг 90-йилларида олинганини эътиборга олсак, демак, улар бугунги ўзбек халқини машҳур обидаларнинг 90-йиллардаги ҳолати билан таништиради, халқимиз ҳаётининг ўша даврдаги жилвалари билан бизни ошно этади.

Франция — фотография ватани. Пол Надарнинг отаси Феликс Надар ҳам дастлабки француз фотографларидан бўлган. Виктор Ҳюго, Шарл Бодлер, Жерар де Норвал сингари машҳур французларнинг бизга маълум фотосуратлари унинг ижодига мансуб. У фақат фотографгина эмас, балки кийин карикатурист ҳам бўлган, нафақат дўст-ёрлари, ҳатто тилга олинган атоқли замондошлари ўртасида ҳам кенг билими билан обрў-эътибор қозонган. Феликс ва Эрнестина Надарлар оиласида 1856 йилда туғилган Пол отасининг барча яхши фазилатларига муносиб ворис бўлиб улғайди. 18 ёшида отасига мансуб устахонанинг бадиий ва техник директори бўлиш шарафига эришди. Гарчанд ўзи кутган моддий ва маънавий имтиёзларга эришмаган бўлсада, «Экспресс Детектив Надар» фотоаппаратини яратди. Опера артисти Мэри Деграндининг муҳаббатини қозониб, бахт ва изтиробнинг барча рангларини ўз кўзи билан кўрди.

Пол 1886 йилда отаси очган устахонанинг том маънодаги бошлиғи бўлиб қолди. Аммо шу йилларда Парижда фотографияга қизиқиш сусайиб, аҳолининг янгиликталаб нигоҳи эндигина туғила бошлаган кинога қаратилди. Ўз касбига бўлган эътиборнинг сўна бошлаши орқасида Пол Надар Франциянинг маданий-иқтисодий таъсир доирасида бўлган Туркияга саёҳатга чиқади. Шарқона турмуш манзаралари, кўкка бўй чўзган нотаниш миноралар, киши жонидан бўлак ҳамма нарса бўлган бозорлар Надарнинг бутун борлиғини банд этади-қўяди. У Шарқ билан янада яқинроқ танишиш истагида Марв-Чоржўй — Бухоро-Самарқанд карвон йўлида ўз саёҳатини давом эттиради. Бу — 90-йиллар эди. Ўзбекистонда шу кезларда Фурқат рус саноат кўргазмаси, гимназияси ва театри билан танишиб, янги дунёни кашф этган ва бу янги дунёнинг илмий-техник ютуқларидан ўз халқининг ҳам баҳраманд бўлишини орзу қилаётган эди. Пол Надар эса, бошқа маслакдошлари сингари, «Шарқ мўъжизаси»дан ҳайратга тушиб, бу янги ҳилқат манзараларини фотоаппарат ёрдамида Овруپо халқлари ҳаётига олиб кириш иштиёқида бўлди.

Мана, 90-йиллардаги Бухоро ва Самарқанднинг бизга Надар нигоҳи орқали етиб келган лавҳалари. «Дуторчи қиз», «Амир сурати», «Минораи Калон», «Шоҳизинда мақбараси», «Регистон майдони»... Афсуски, кўҳна шаҳарларимизнинг бундай фототарихини на дастлабки ўзбек, на рус фотографлари бизга қолдирганлар. Рус истилочилари билан бирга келган фотографларнинг негативлари сақланмаган, турли нашрларда чоп этилган фотосуратлари эса мутахассислар томонидан ўрганилмаган. Фақат Верешчагиннинг мойбўёқ билан ишланган расмларигина бизга маълум, холос.

Пол Надар кўргазмасини томоша этар экансиз, халқимиз тарихининг тирик саҳифаларини варақлагандек, олис даврлар нафасини туйиб, бозорлар шов-шувини эшитгандек, ҳали тевараги зичлашмаган Шоҳизинда мақбараси, Бибихоним масжиди ва унга ёндош от бозори атрофида юргандек бўласиз. Тарих туйғуси сизнинг қалбингиздаги ватанни, улуғ ва бой тарихга эга бўлган ватанни мавжлантириб юборади.

Эҳтимол Пол Надардан бошқа фотографлар ҳам XIX асрдаги Ўзбекистонни суратга олгандирлар. Эҳтимол рус истилоси даврида нашр этилган китобларда тарихий-маданий ва этнографик қимматга эга бўлган фоторасмлар ҳам оз эмасдир. Агар «Маърифат ва маънавият» жамоатчилик маркази ана шундай фототарихимиз билан шуғулланиб, уни хорижий ҳомийлар кўмагида юксак полиграфик безак ва ижрода албом шаклида чоп этса, маданий олам учун улуғ иш бўларди.

Жан-Пол Везианнинг элчилик пайтида бўлиб ўтган бу кўргазма каминада яна бир истакни уйғотди. Маълумки, мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликлари бир неча асрлар мобайнида турли хорижий юртларга мунтазам равишда ташиб кетилган. Нафақат Эрмитаж каби Россиянинг турли марказий музейларида, балки Париж, Лондон, Вашингтон музейларида ҳам ўзбек халқининг қимматбаҳо санъат асарлари сақланиб келмоқда. Муҳтарам домламиз Ҳоди Зариф бизга бир воқеани айтиб берган эди. 20-йилларда Россияда очарчилик авж олган кезларда Ленин (кейинчалик Сталин) Ўрта Осиёдаги қимматбаҳо қўлёзмалар ва амалий санъат намуналарини йиғиб олиб, уларни валютага сотиш ҳақида фармон чиқарган экан. Ана шу фармонга кўра, жуда кўп ноёб қўлёзмаларимиз хорижга сотилган. Шунда Фитрат домла «Бу халқимизнинг ҳатто олтин билан ҳам ўлчаш мумкин бўлмаган бойлиги!» деб баъзи бир қўлёзмаларни олиб қолишга ҳаракат қилган. Ҳозир хориждаги музейларда сақланаётган ва уларнинг кичик бир қисмидан нене машаққатлар билан нусха олиб келинган қўлёзмалар шу таҳлитда четга «чиқиб кетган».

Кошкийди яқин йилларда тегишли муассасаларнинг ёрдами билан Тошкентда ана шу ноёб қўлёзмалар ва халқ амалий санъати нодир намуналарининг ҳам кўргазмаси ташкил этилса! Кошкийди халқимиз ўз тарихи ва маданиятининг бу «жаҳонгашта» парчаларини ўз кўзи билан кўриш ва уларни ижод қилган ўлмас зотлар санъати билан танишиш бахтига эришса!..

Наим КАРИМОВ

• Пол Надар. Бухоролик болалар ва дуторчи қиз

• Ўз касбининг устаси

МУАЛЛИМНИНГ ҚАДРИ

Касбини севган одам ҳеч қачон ўз меҳнатидан кўнгли тўлиб қаноатланиб қолмайди. Ўқиш, изланиш, ўз устида тинмай ишлаш, маҳоратни муттасил ошира бориш, янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб, амалиётга тадбиқ эта бориш — булар касбини севиб-ардоқлаган фидойи инсонларга хос фазилатлар. Билим, тажриба бўлса-ю, ўртада меҳр бўлмаса, худди қоғоз гулдан илҳомланишга ўхшаш сунъийлик рўй беради. Ўз касбининг устаси бўлган мураббий буларнинг барчасини бирлаштириб турувчи меҳру муҳаббатга ҳам эга бўлиши лозим. Ўқувчиларни фарзанддай севмай туриб, уларнинг қалбига йўл топмай туриб суюкли мураббий бўлиш мушкул.

Салкам 25 йиллик иш тажрибасига эга бўлган, Мирзо Улуғбек туманидаги 223-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Адолат опа Неъматова ўз касбини севган доно ва меҳрибон мураббийлардан. Мустақиллик туфайли кўплаб иқтидорлар қатори Адолат опанинг ҳам юрагида жўш уриб келаётган ўй-режаларига кенг имкониятлар, шароитлар яратилди. У киши бошланғич синфлар дастурини замонавий усулда, янгича талабларга мослаб қайта тузувчилардан бўлди. Ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, қўлланма, тавсиялар, дарсликлар тузиш ишларига қатнашдилар. Халқ маорифининг мутасадди раҳбарлари Адолат опанинг ишларини юқори баҳолашади. У киши бир йилда икки синф дастурини ўзлаштириш шиорини дадил ўртага ташлаб, уни амалда исботладилар. Натижада шу йили ихтисослашган гуруҳларда 25 ўқувчидан она тили бўйича 68 фоиз, математикадан эса 84 фоиз натижага эришилди. Ҳа, ҳали бошланиши холос.

Адолат опа ҳар бир дарсини ўта жонли, ижодий қизғин ўтишига эришади. Математика дарсларида болаларнинг тасаввур, қизиқишларига мослаб турли-туман ўйинлар ўтказадилар. Она тили дарсларида ижодий хаёлга ундовчи машқ-ҳикоялар тузади, саводхонликни оширувчи усуллар, воситалардан моҳирона фойдаланади. Одобнома дарсларида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, одоб сабоқларидан мароқли дарслар ўтади.

Адолат опанинг ижодкорлигини, ўз касбининг етук билимдони, изланувчан мураббий эканлигини унинг кўпчиликка манзур бўлган, турли-туман байрам, тантаналар учун тузган сценарийлари ҳам тасдиқлайди. Унинг тадбирлари кишини бефарқ қолдирмайди. Масалан, Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган «Эр бошига иш тушса», «Жонингизга жон бўлай» каби тадбирларнинг ўқувчилар томонидан ёрқин ижро этилганлигида Адолат опанинг катта меҳнатлари бор.

— Наврўз байрамида, — дейди мактаб директори Назира Муҳаммаджонова, — Адолат опанинг кичкинтойлари «Сут хотин», «Шох мойлар» каби халқимизнинг қадимий удумларини жуда чиройли ва қизиқарли қилиб намойиш қилишдики, буни тўпланганлар ҳаяжон билан кутиб олишди. Опа зукко ва тадбиркор муаллима, шунинг учун жуда кўп ота-оналар ўз болаларини Адолат опага бергилари келади.

— Бошланғич синфларнинг бир нозик томони бор, — дейди шу мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Матлуба Исоқова, — бунда ҳам билим бериш, ҳам одоб ўргатишни қатъий мувофиқлаштириб олиб бориш керак. Акс ҳолда кейинчалик қийин бўлади. Эндиликда ҳужжат-буйруқлар, кўрсатма, тавсия ва яна аллақандай расмиятчилик усуллари ўқитувчини кишандай боғлаб қўймайди. Ўқитувчи ўз ишини янаям мукаммалаштиришга ҳақли ва ҳуқуқи бор. Адолатхон ана шундай ислоҳотчи ва ижодкор муаллималардан.

Мактабда 18 йилдан бери рус тили ва адабиётидан дарс бериб келаётган Насиба опа Иброҳимова шундай дейди:

— Адолатхоннинг жонкуярлиги, тиниб-тинчимаслиги, ҳамиша янгиликларни излаб топишлари мақтовга лойиқ. Ҳар галги тадбирларда унинг ўзига хос саҳна намойишларидан, болалар кўнглига йўл топа олишидан завқ-шавқ оласан киши. Мана ҳозир таътил. Аммо ҳозирданоқ Адолат опанинг эксперименталь синфига фарзандларини беришни ўйлаб юрган ота-оналар мактаб маъмуриятига тез-тез мурожаат қилишяпти.

Ҳа, бугунги кунда илм-маърифатнинг қадри ҳеч қачон паст бўлмаслигини, маънавиятсиз турмуш, жамиятнинг ривожи тўлақонли кечмаслигини кўплар тушуниб етмоқда. Эндиликда чала, хўжакўрсинга ўқиш ва ўқитишнинг оқибатини одамлар чуқурроқ ҳис қилишяпти. Шунинг учун ҳам Адолат опа Неъматова каби муаллимларнинг қадри ва баҳоси ниҳоятда юқори бўлади.

Ҳошимжон АҲМЕДОВ,
Республика Нафис санъат лицейининг
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

• ОЛИС АЖДОДЛАР ЁДИ

ХУНЛАР

Қадим ота-боболаримиз босиб ўтган йўл, уларнинг ватан қудрати ва эл-юрт осойишталиги борасидаги саъй-ҳаракатлари доимо бизга мактаб бўлиб келган. Айниқса, хунлар даври бу жиҳатдан алоҳида фазилатларга эга.

Хун давлати тарихда дунёдаги қудратли давлатлардан бири сифатида тилга олинади. Бу давлат минг йил давомида Марказий Осиёдагина ҳукм суриб қолмади, балки Оврупога ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Туркистонни бир хонадон қилганлар ҳам асли ўша ота-боболаримиздир.

Урумчилик Турғун Олмос бир неча йил бурун «Хунларнинг қисқача тарихи» номли асар ёзган эди. Бу асар хунлар тарихи ҳақида кейинги йилларда яратилган, манбаларга таянган пухта асарлардан биридир. Ушбу асарни биз уйғурчадан ўзбекчага ағдарган эдик.

Қуйида ундан Ботир Тангриқутга бағишланган парчани эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

Насимхон РАҲМОНОВ.

БОТИР ТАНГРИҚУТ

БОТИРНИНГ ҲОҚОН БЎЛИШИ

ХУНЛАР МИЛОДДАН ОЛДИнги III асрда мисли кўрилмаган даражада кучайди. Улар 209-йилда қудратли Хун давлатини вужудга келтирди ва у милоднинг 216-йилигача 500 йил ҳукм сурди.

Қудратли Хун давлатининг ҳудуди шарқда катта Океан қирғоқларигача, шимолда Лена дарёси, Бойкўл, Энасой дарёсининг ўрта оқимларигача, жанубда Садди Чин соҳилигача, жанубий-ғарбда Ҳиндистоннинг шимолигача, Ғарбда Каспий денгизининг бўйларигача чўзилган эди.

Мана шу қудратли улуғ Хун давлатини Ботир Тангриқут вужудга келтирди. У хунлар тарихида ҳарбий стратегия ва тактика борасида тенгсиз, ажойиб дипломат, давлат тузумини мукамма̀ллаштирган истеъдод эгаси эди, иззат-ҳурматда ўзини тенгининг мағрур ўғли деб атаган эди.

Ботир Тангриқут Туман Тангриқутнинг тўнғич ўғли эди. У дастлаб Туман Тангриқутнинг тахт вориси этиб тайинланди. Кейин Туман Тангриқут қароридан қайтди. Кичик хотинидан туғилган кенжа ўғлини ўз тахтига ворис қилиб тайинлади. Ботирни ворисликдан маҳрум қилди.

Қадимги дипломатия қоидасига кўра, икки давлат орасидаги аҳдноманинг бузилмаслигига кафолат бериш учун бир томон бошқа томонга ўғилларидан бирини гаровга бериши лозим эди. Туман Тангриқут ўз ниятини амалга оширмоқ учун милоддан 216 йил олдин Ботирни Улуғ Ёбчилар хонлигига гаров қилиб жўнатди.

Қадимий ва яқин замонлардаги тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, гаровга берилган шаҳзодаларининг ҳаёти фожиали тугарди. Аксарият ҳолларда икки давлат орасида тузилган аҳдномалар бузилиб, гаровга юборилган шахслар ўлдириларди. Ботир шундай фожиали аҳволнинг юз бериш эҳтимоли борлигини биларди. У хунлар билан Улуғ Ёбчилар муносабатидаги аҳволни кузатиб турди. Аҳднома бузилиб, хунлар ва. Улуғ Ёбчилар орасида уруш чиқадиган бўлса, қочиб кетиш учун пайт пойлаб юрди.

Тарихчи Смо Чианнинг маълумот беришича, худди Ботир ўйлаганидек бўлди. Хунлар билан Улуғ Ёбчилар ўртасида тузилган аҳднома бузилди. Туман Тангриқут Улуғ Ёбчиларни тор-мор қилиш учун қўшин жўнатди. Ботир хун қўшинлари босиб келишидан олдин, Улуғ Ёбчилар хонининг тулпорини миниб, уларнинг элидан қочиб кетди. Улуғ Ёбчилар юз берган ҳодисани вақтида сезиб қолдилар. Ботирнинг орқасидан қувдилар. Улар Ботирни қувиб, етиб олмоқ у ёқда турсин, қорасини ҳам кўра олмадилар.

Ботир Улуғ Ёбчиларнинг пойтахти Сандибелдан қочиб, бўрон чиққанда даҳшатли денгиз тўлқинидек қўзғалиб турадиган ҳўғарли қумликлардан, сувсиз чўлу биёбонлардан, тиззага урадиган ям-яшил яйловлардан ўтди. Ниҳоят, хунлар пойтахти Туман балиққа етиб келди. Ажойиб ўғлининг қайсарлигини кўрган Туман Тангриқут Ботирга қойил қолди. Унга хун отлиқ қўшинлари ташкил қилишни, машқ қилдириб жангга тайёрлашни топширди. Бундай имкониятга эга бўлган Ботир тез орада овозли ўқ-ёй кашф қилди. У ўзи машқ қилдириб урушга ўргатаётган хун отлиқ жангчиларига шундай буйруқ берди: «Агар мен мана шу овозли ўқ-ёйимни нимага қаратиб отсам, сизлар ҳам ҳеч иккиланмай, ўша нарсани нишонга олиб ўқ узинглар. Буйруғимга хилоф иш тутадиган бўлсангизлар, ҳаммангизнинг каллангизни оламан».

Бир куни Ботир овозли ўқ-ёйини ўзи минадиган тулпор отга қаратиб отди. Ботирнинг яхши кўрадиган отига қараб ўқ отишга жангчиларнинг кўзи қиймади. Ботир заррача раҳм қилмай жангчиларнинг калласини олди.

У яна олдинги буйруғини такрорлади ва: «Бундан кейин ҳам хилоф иш қиладиганларнинг тақдири ўлим билан тугайди», деб эслатди. Отлиқ жангчиларнинг ваъдасини олди.

Орадан кўп ўтмай, Ботир севикли, гўзал хотинини нишонга олиб, ўша ёйидан ўқ отди. Бу сафар ҳам жангчилар берган ваъдаларини бажаришга журъат қила олмадилар ва бошларидан айрилдилар. Бошқа жангчилар Ботирнинг икки марта қилган ғазаби ва қатъий огоҳлантиришидан сабоқ чиқардилар. «Сиз айтгандай ҳаракат қиламиз, деб қасамёд қилдилар.

Кунларнинг бирида Туман Тангриқут Хун хонларини (амалдорларини) ва кичик хотинини, ундан туғилган ўғилларини олиб овга чиқди. Ботир шу фурсатни ғанимат билди. Отаси Туман Тангриқутни, ўгай онаси, ўгай укаларини ёмон кўрадиган хун хонларини битта ҳам қўймай қириб ташлади. Бу сафар Ботирнинг овозли ўқ-ёйи нимани мўлжалга олган бўлса, унга содиқ бир тўп жангчилар ҳам ўқ-ёйларини ўша томонга қаратиб отдилар. Ботир мақсадига эришди. Эҳтимол, Ботирнинг душманлари билан тарафдорлари ўртасида қаттиқ қонли уруш юз берган бўлиши мумкин. Ботир мана шундай йўл билан Тангриқут бўлди. Бу воқеа милоддан 210 йил бурун юз берган эди.

Ботир ҳокимият тепасига чиқиш учун ўзига хос усул қўллаганлиги, анчайин раҳмсизлиги аён бўлди. У ҳатто отасини ўлдирди. Аммо унинг ҳушёрлиги, ақллилиги — ёбчилар элидан қочиш учун пайт пойлаши, овозли ўқ-ёй ихтиро қилиши, ҳокимиятни олиш усули одамни ҳайратга солади.

ХУНЛАРНИНГ ҚЎШИНЛАРИ

МИЛОДДАН ОЛДИНГИ III асрда — Ботир хунларга Тангриқут бўлган чоғда Осиёдаги халқларнинг этник таркиби хийла мураккаб эди. «Ўғузнома» достонидаги Ўғуз хон Ботир Тангриқутдир.

Жунгунинг шарқи-шимолидаги Хилунг чаёнг, Лёвнинг, Жилин ўлкалари эгаллаган ҳудудда тунгуслар хонлиги бор эди. Ҳозирги Бойкўл, Селенга дарёси бўйларида эса ва Шарқий уйғурлар хонлиги бор эди. улар милоддан бир неча аср бурунроқ темир қуроллар ишлатиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Хуллас, улар ўтроқ ҳаёт кечиришар эди. Қадимий Жунгу тарихида шарқий уйғурлар «дилинг», яъни турклар деб ёзилган.

Бойкўлнинг ғарбида қирғиз хонлиги жойлашган эди. Жунгу тарихчилари Смо Чиан ва Бэнгу (милодий 32-92-йиллар) қирғизлар ҳақида батафсил маълумот бермаган бўлсалар-да, бу хонлик ҳам қудратли эди.

Хунларнинг шимолида, бу хонликлардан ташқари, «чипор отлар» деган халқ яшарди. Улар Олтой тоғларининг шимолий этакларидаги ўтроқ халқ бўлиб, чорвачилик билан машғул эдилар. «Чипор отлар» игна баргли ўрмон билан қопланган тоғлар орасида от уюрларини боқардилар. Улар боқадиган отларнинг ранги сус нашранг бўлиб, йайласи қора эди. «Чипор отлар» деган ном ҳам улар асрайдиган отларнинг рангидан ўтган бўлса, эҳтимол.

Хунларнинг ғарбидаги энг қудратли қўшниси Улуғ Ёбчилар эди.

Милоддан беш аср бурунроқ Жунгунинг тарихий хотиралари да Улуғ Ёбчилар ҳақида маълумот берила бошлаган. Улар Ўрдуснинг ғарбидаги яйловларда яшардилар.

Улуғ Ёбчиларнинг шарқидаги Арсан водийсида усунлар яшаган. Уларнинг пойтахти Сандибел бўлиб, аҳолиси бир милён атрофида эди. Улуғ Ёбчиларнинг ғарбий-жанубида чанглар яшарди.

Милоддан олдинги II асрда яшаган Чанг Чаннинг маълумотига кўра, усунлар Дунхуан билан Телов тоғи орасида яшаган. Улуғ Ёбчилар ҳам қадимда шу атрофларда яшаган. Мана шу жойларда айни пайтда алоҳида давлат қурган усунлар билан Ёбчиларнинг аралаш яшагани маълум эмас. «Тарихий хотиралар»даги маълумотларга кўра, шу ҳудудни дастлаб усунлар эгаллаб олган, Улуғ Ёбчилар эса кейин келган.

Милоддан 180 йиллар олдин усунларни Улуғ Ёбчилар мағлубиятига учратди. Энди улар яшаб турган жойларидан ғарбга қараб кўчдилар ва Или водийсига бориб макон қилдилар. Усунлар Хансудан қувилгач, уларнинг жойларини Улуғ Ёбчилар эгаллаб олдилар.

Бундан ташқари, ҳозирги Чучан, Зайсон атрофларида ўғузлар, Тангри тоғининг шарқий шимолида, Олтойнинг жанубида турклар, Жимсор атрофида Орқа қўш беклиги яшарди. Тарим водийси ва унинг атрофида эса Олди қўш беклиги, Лулон хонлиги, Қора шаҳар хонлиги, Кўчар хонлиги, Оқсув хонлиги, Кошғар хонлиги, Ёркент хонлиги, Хўтак хонлиги ва бир қанча хонликлар яшарди. Уларнинг ғарбида Фарғона, Қангли, Алан давлатлари бор эди.

БОТИР ТАНГРИҚУТНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

МИЛОДДАН ОЛДИНГИ 210-йил хунлар тарихида алоҳида йил бўлди. Шу йили хунлар тахтига ўтирган Ботир Тангриқут улуғ, қудратли хун тангриқутлигини қурди. Хун тангриқутлиги 500 йил ҳукм сурди. Хунларнинг жанубидаги қўшниси Чинг сулоласининг подшоси Чинг Сах Вонг ўлди. Милоддан 207 йил бурун Чинг сулоласи даҳшатли тус олган деҳқонлар қўзғолонининг шиддатли зарбаси туфайли ағдарилди.

Лю Банг деҳқонлар қўзғолони ғалабасидан фойдаланди. У Хан сулоласига асос солди ва бу сулола беш аср (милоддан олдинги 206-милоднинг 220 йиллари) ҳукм сурди.

Чинг сулоласи ағдарилиб, унинг ўрнига қурилган Хан сулоласи унча мустаҳкамланишга улгармади. Бу эса янги қурилган Хун тангриқутлиги учун хийла қулай шароит туғдирди.

Ботир Тангриқут ички аҳволни тартибга солди: Хун давлатининг ташкилий томонини мустаҳкамлаб, мукамма̀ллаштирди, 400 минг кишилик отлиқ қўшин тузди ва қўшиннинг жанговарлигини оширди. Шунингдек, Хан сулоласининг ожизлигидан ҳам фойдаланди. Атрофдаги қўшниларига ҳужум қилиб, уларни бўйсундира бошлади.

Милоддан беш аср олдин хунлар билан тунгуслар орасида расмий чегара белгиланган эди. Чегаранинг тўғриси 1000 йўлдан узунроқ эди. Мана шу жой «ўрта» деб аталиб, бетараф район ҳисобланар, ҳар икки томон чорвасини боқарди. Чегара шимолдан жанубга қараб чўзилган. Чегаранинг 1000 йўлдан узунлиги уларнинг ирқий жиҳатдан бошқа-бошқа халқлар эканлигини кўрсатади. Хунлар турк ирқига, тунгуслар эса манчжур, мўғул ирқига мансуб эди.

Хунлар билан тунгуслар қон-қардош бўлмагани учун уларнинг тиллари ҳам бошқа-бошқа эди.

«Тарихий хотиралар. Хунлар ҳақида қисса» асаридаги маълумотларга кўра, тунгуслар хунлар ва ўзлари орасидаги бетараф жойни босиб олишни мўлжал қилган. Тунгуслар хони Ботир Тангриқутга элчи жўнатиб, шу жойни беришни талаб қилди: Ботир Тангриқут бундай йўлсизликдан қаттиқ ғазабланди. Милоддан 205 йил олдин тунгуслар устига қўққисдан бостириб кирди ва уларни осонгина тор-мор қилди. Хунлар тунгусларнинг қабристонларини ер билан яксон қилиб ташлади. Шундан кейин Тунгус хонлиги Хун тангриқутлигига қўшиб олинди.

Ботир Тангриқут милоддан 205 йил олдинги ғалабасидан сўнг, Улуғ Ёбчилар устига юриш бошлади. Жанговар Улуғ Ёбчилар қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, барибир бош эгишга мажбур бўлдилар. Шундан кейин Ботир Тангриқут усунларни ўз юртига — Хеши оралиғига кўчириб келди. Бундан озгина олдин Улуғ Ёбчилар билан бўлган урушда мағлуб бўлган усунлар шарққа кўчган ва Ботир Тангриқутдан паноҳ тилаганди. Ботир Тангриқут Улуғ Ёбчилар билан усунларни Хун тангриқутлигига қўшиб олди. Шундан кейин жанубдаги қўшниси Хан сулоласига кўз тика бошлади.

Юқорида айтилганидек, милоддан 215 йил олдин Чинг Сах Вонг Урдус яйловни босиб олган эди. Милоддан 202 йил олдин Ботир Тангриқут Хан сулоласидан ўша яйловни тортиб олди.

БАЙДИК ҚАМАЛИ

ХУН ТАНГРИҚУТЛИГИ кучайиб бораверди. Бу эса янги ташкил топган Хан сулоласига оғир хавф солди. Милоддан 201 йил олдин Ботир Тангриқут Хан сулоласи ҳудудига бостириб кирди. Ҳозирги Санши ўлкасидаги Шовсан туманини қамал қилди. Шу жойни мудофаа қилиб турган ҳарбий вали Хан Вонг Шинг хунларга таслим бўлди. Хунлар янада илгарилаб, Саншидаги Тайван Чинг Йанг шаҳарларига ҳужум қилди.

Хан сулоласи подшоҳи Лю Банг (милоддан олдинги 205—195 йиллар) хунларга қарши юриш қилмоқчи бўлди. Унинг вазири Лю чинг «Хунларга қарши юриш қилиш хатарли», деб Лю Бангни огоҳлантирди. Шу пайтда янги қурилган Хан сулоласининг иқтисоди хароб, кучлар бўлинган, марказий ҳокимиятнинг пойдевори мустаҳкамланиб улгурмаган эди. Лекин Лю Банг Лю Чингнинг огоҳлантиришига қулоқ солмади, уни занжирбанд қилди. Ўзи 125 минг кишилик қўшинга бош бўлиб, хунларга қарши жўнади.

Ботир Тангриқут Лю Бангнинг ҳужумидан хабар топди. у сараланган 400 минг кишилик отлиқ қўшинларини Финчинг (ҳозирги Датунг) шаҳарининг шарқидаги Байдик тоғи адирларига ўрнаштирди ва Хан подшоҳи Лю Бангнинг келишини кутиб пистирмада турди. Лю Банг Ботирнинг яширин тузоғидан бутунлай бехабар эди. У қўшинларини бошлаб келди-ю, Байдик тоғида тузоққа илиниб қолди. Смо Чианнинг «Хотира»сида ёзилганларга қараганда, Хан сулоласи қўшинларининг шимолий тарафини кўк отлиқ, жанубини қизил отлиқ, ғарбини оқ отлиқ Хун қўшинлари қуршаб олган экан. Хан қўшинлари ташқи дунёдан узилиб қолдилар. Етти кеча-кундуз қуршовда ётиб, очликдан ўлар ҳолатга етдилар.

Лю Чингнинг гапига кирмай, хунларга қарши юриш қилган Лю Бангнинг боши қотди. Унинг Чинг Пинг деган вазири бор эди. Вазир тузоқдан қутулиш йўлини топди. Чинг Пинг Ботир Тангриқутнинг хотини олдига яширинча бориб, маликага кўп олтин берди. Шундан кейин маликадан пистирманинг бирор жойидан озроқ йўлак очиб бериш имкониятини яратишни ўтиниб сўради. Малика дарҳол Ботир Тангриқутга хабар жўнатиб қайтишини талаб қилди. «Акс ҳолда, Кўк тангрининг ғазабига йўлиқасан» деб, шомон тангриси номи билан Ботирни қўрқитди. Ботир Тангриқут маликанинг сўзларидан таъсирланди ва пистирманинг бир жойини очиб юборди. Лю Банг пистирманинг шу жойидан чиқиб, қочиб кетди.

Машҳур Байдик қамали шундай тугади. Бундай қамал қадимги шарқ тарихида бўлган эмас. Байдик қамали ҳақида қўшиқ тўқилди:

Финжингда юз берди ажиб воқеа,
Келтирди даҳшатли жафо, машаққат,
Етти кун оч қолиб кетдик мадордан,
Ўқ-ёйни отишга етмади қудрат.

Байдик қамали милоддан 200 йил олдин бўлган эди.

ИЗОҲЛАР

Тангриқут — «Тангри бахт берган» демакдир.
Улуғ Ёбчилар — Бактрия.
Сандибел — ҳозирги Гансу атрофида.
Жунгу — Хитой
Арсан водийси — ҳозирги Нингмиянинг ғарби-шимолида.
Чанглар — ҳозирги Тибет халқи аждодлари.
Телов тоғи — Тян-Шан.
Йўл — қадим туркийларнинг масофа бирлиги.

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Узбекона куй-қушиқларимиз асрлар оша сайқал топиб, миллий мусиқа пардалари такомиллашган. Бу хайрли ишда улуғ боболаримизнинг хизмату ҳиссалари жуда улкан. Хусусан, аллома Ал Форобий мусиқа пардаларининг ҳам назарий, ҳам амалий ривожига қўмаклашган бўлсалар, шеърият султони Алишер Навоий машойиҳларни саройга жалб қилиб, улар билан машғулотлар ўтказиб мавжуд ўн икки мақом ҳақида фикр юритганлар. Мақомларни янги пардалар билан бойитиб, такомиллаштирганлар.

Сўзнинг мақомдан бошланишига сабаб — мақом ашула, куй ва чолғу усулларидан иборатлигидир.

Миллий мусиқа тарихи шуни таъкидлайдики, асримизнинг эллигинчи йилларидан бошлаб океан орти ва Овруп0 мамлакатларидан миллий мусиқамизда узоқ зарблар киноэкран, оҳанграбо тасмалари ва лапшаклар орқали ҳаётимизга кириб келиб, ўз таъсирини кўрсатди. Натижада ўзбекона патнисаки катта ашулалар, яллаю аллалар, лапару айтишувлар ўз кучини, қадр-қийматини аста-секин йўқота бошлади... Оллоҳга шукурлар бўлсинки, мусиқамиз анъаналарини тиклаш жараёни бошланди. (Узбек миллий операси, симфонияси, мусиқали драма ва комедиялари, оперетласи, кино ва телевизион спектакллар мусиқалари, умуман катта ҳажмдаги мусиқали асарлар ҳақида алоҳида суҳбат қурармиз, деб ўйлайман.)

Менимча, ўзбек миллий мусиқасини ўрганиш ва болаларимизни шу руҳда тарбиялаш ишларини жуда кичиклидан бошлаш керак. Ҳозирги кунда эса бунинг акси булаяпти: болалар, ёшлар овруп0ча куй-қушиқда сакраса, кексалар халқ қушиқлари ва куйларига ошино тутинмоқда. Албатта, Овруп0 мумтоз мусиқа санъати жаҳонда нуфузли ўрин эгаллайди. Кўп йиллар мобайнида ўзбек композиторлари, ижрочилари ҳам шу мактабдан таҳсил олдилар, илм ва билимларини янада кенгайтирдилар. Лекин баъзи композиторларимиз лоқайдликка йўл қуйишди ёки алланимани таъма қилиб, ўзбек мусиқасини ўрганмай туриб ҳам жаҳонга танилиш орзусида бўлдилар. Мана шу ниятда чет эл мусиқасини «ўзбекчалаштирган»лар ҳам, ўз миллий мусиқамизни инкор этганлар ҳам бўлди. Бу, ўз навбатида, мавжуд мусиқа жамғармамизнинг миллий асоси юпқалашиб кетишига сабаб бўлди.

Қайси миллат мусиқаси бўлмасин, чуқур миллийликка асослансагина, у жаҳон саҳнасига чиқишга қодир булади. Ҳар бир ижодкор бу одил ҳақиқатни теран англаши зарур.

Ўзбек миллий мусиқасини бугунги аҳволдан қутқариш учун, яъни мусиқадаги вазиятни тозалаш учун анча-мунча илмий, амалий ишларни бажариш зарур. Буни болалар боғчаларидан, ўрта ва махсус мактаблардан, мусиқа ўқув юртларидан бошлашга тўғри келади. Илмий-услубий қўлланмалар, педагогик дастурлар, ўқувчилар ҳамда талабалар учун янги, ранг-баранг репертуарлар яратиш вақти келди. Уни амалиётга тадбиқ этиш жараёни қуйидаги уч босқичдан иборат бўлиши керак: боғча болалар учун махсус миллий мусиқа китоблари тайёрлаш ва нашр этиш, махсус мусиқа мактаблари, интернат ўқувчилари учун ўзбек мусиқаси дарсликлари ҳамда мусиқа билим юртлари талабалари учун ўзбек бастакорлари (композиторлари) асарларидан тузилган дастур яратиш керак.

Бунинг учун композиторларимизнинг миллий асарлари етарли. Бу хайрли ишларни юзага чиқаришда Миллий тикланиш демократик партиясидан умидимиз катта.

САЙФИ ЖАЛИЛ,
композитор, профессор

Абдуғаффор УБАЙДУЛЛА

«ТЎЛИҚ ПОШШОЛИК МУБОРАК!..»

ДОМЛА ОЙБЕК ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Минг тўққиз юз ўттиз учинчи йилнинг баҳори. Тошкент шаҳрининг Пушкин кўчаси, Солар яқинига жойлашган 75-уй. Бу боғ-ҳовлига мактаб-интернатнинг ётоқхонаси жойлашган. Бу мактаб Ўрта Осиё сув хўжалиги институти учун ўқувчилар тайёрларди. Ўқув биноси Ниёзбек кўчасида жойлашган бўлиб, биз битирувчиларни шу бинога имтиҳон топширишга чақиришди. Ҳайъат аъзолари сафида бизларга нотаниш уч нафар киши бор эди. Улар интернатнинг илмий бўлим мудири Дарманбой оға билан нималарнидир гаплашиб ўтиришарди.

Хуллас, имтиҳон бўлиб ўтди. Аммо қандай баҳолар қўйишди, ҳеч биримиз билмасдик. Қарийб икки соатча давом этган текширувдан сўнг нотаниш кишилардан жингалак сочлиси мени, Саидни, Ҳуснуллани кўрсатиб: «Бизга шу уч болани берасиз»,— деди Дарманбой оғага. Бошқа сўз айтишмай тарқалишди.

Эртаси куни Дарманбой оға биз-номлари тилга олинган уч кишини ёнларига чақириб:

— Йигитлар, сизлар энди сентябр ойидан бошлаб институтда ўқийсизлар, унгача ҳали уч ой вақт бор. Бироз пул ишлаб олсаларинг ёмон бўлмасди,— деди. Кейин тушунтирди.

— Қуйи Чирчиқ райони ҳудудида янги совхозлар учун ер тузувчилар иш бошлашибди. Шуларга ёрдамлашасизлар. Ишлар асосан қамишзорлар орасида ўтказилади. Илтимос, юзимни ерга қаратманглар. Қийинчиликка бардош беришади, деб ишонтирдим уларни.

Бизлар Дарманбой оғага ваъда бериб, эртаси куни ер тузувчи икки муҳандис билан иш жойига йўл олдик. Аввал поездда келиб, сўнг қайиқда Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғига ўтдик ва қамишзор четидаги ерга чодир ўрнатдик.

Бу ернинг шароити биз ўйлаганча эмас. Қамишзор батамом сувдан иборат бўлиб, пашшанинг кони экан. Бу ҳам етмагандай ғич-ғич ари уяларини айтмайсизми. Бизлар оқшомлари пашшалар билан, кундуз кунлари эса арилар билан курашадиган бўлдик. Бора-бора унинг йўлини топдик, тонг саҳарда, шудринг қалин пайтида юрадиган йўлимизда учраган ари уяларини қўлқоп кийиб эзиб чиқадиган бўлдик.

«Каттаер» дан ҳар куни бизнинг нонушта ва тушлигимизни келтириб туришарди. Бизлар Дарманбой оғанинг юзини ерга қаратмай ҳамма қийинчиликни енгиб, 28 август куни яна Тошкентга, ўша интернат ётоғига қайтиб келдик. Бизларни Дарманбой оғанинг ўзи кутиб олди. Уч ойлик соқол—мўйлабни олдириб, ҳаммом қилдик. Эртаси куни Дарманбой оға қўлимизга жамғарма кассаси дафтарчасини топшириб: «Ишлаган ҳақларинг шу ерда, ҳозирча олишга шошилманглар»,— деди. Кейин бизларни интернатнинг омбор мудираси Нурия опанинг ёнига бошлаб кирди.

— Нурия, мана бу ўғилларингнинг кийимларини охирги марта янгилаб бер. Улар энди институтда ўқишади. Худо сенгаям шулардай фарзанд берсин.

Нурия ўрислашган татарлардан бўлсаям, ўзбек тилини равон гапирадиган меҳрибон аёл эди. У бизларга жуфти-жуфти билан ич кийим берди. Сўнг костюм, палто, оёқ кийим танлади. Ўз ўғилларини ҳарбий хизматга жўнатаётгандай кўз ёш тўкди.

Оз фурсат ўтиб, Тошкент Ўрта Осиё лойиҳа институти биносига келдик. Дарманбой оға ҳужжатларимизни институт раҳбарларига кўрсатди. Оға бунинг билан қаноат қилмай, бизни институт ётоқхонасига бошлади...

Эртаси куни ўқиш жадвалларини ва қайси гуруҳда ўқишимизи аниқлаш учун институт биносига бордик. Одам кўп, бизлар ҳеч кимни танимаймиз. Бир вақт ёш бўлса ҳам кўз ойнак таққан йигит қўлидаги қоғозни кўрсатиб, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди ва кимнинг қайси гуруҳда ўқишини эълон қилди. Биринчи курс талабалари икки гуруҳга бўлинишди. Бизларнинг номимиз эълон қилинган иккинчи гуруҳ ҳам 25 кишидан иборат экан. Дарс ўтадиган хонани кўрсатишди. Ҳаммамиз кириб жой эгалладик. Аммо анчагина талабалар дераза токчаларига суяниб тик қолишди. У ердан чиқиб дарс жадвалини ёзиб олдик. Биринчи дарс — сиёсий иқтисодни Мусо Тошмуҳаммедов олиб борар экан.

— Бу киши ёзувчи Ойбек-ку,— деди Саид Раҳмонов таажжубда.

— Танийсанми?— дедим.

— Йўқ.

— Узини кўрганмисан?

— Йўқ. Эшитганман.

— Ундай бўлса бошқа Тошмуҳаммедов,— дедим мен.— Ёзувчилик қаёқдаю, сиёсий иқтисод қаёқда.

Йўқ, ҳар ҳолда Раҳмонов ҳақ бўлиб чиқди. Эртаси куни биринчи дарсга кирган киши бизлардан имтиҳон олган ва Дарманбой оғага шу уч йигитни бизга берасиз деган Мусо Муҳаммад ўғли Ойбек домланинг ўзлари экан. Мен ҳаяжонланиб назар солдим. У киши тўла юзли, кўзлари катта, жингалак сочи устидан кийган қўқон дўпписи ўзига ярашиқли, майин табассум билан хиёл жилмайган. Чеҳрасидан ғамхўрлик, одамийлик, меҳрибонлик нурлари шундоққина ёғилиб тургандай туюларди. Нима учундир ўзимга суянчиқ топгандай севиниб, ғурурланиб кетдим.

Ҳурматли домламиз ҳар гал дарсга кирганларида қўлларида найча қилиб ўралган «Қизил Ўзбекистон» газетаси бўларди. Домламиз бизлар билан саломлашиб бўлгач, «Қаерда тўхтагандик?»— деб сўрардилар. Талабалардан биронтаси дафтарини очиб ўқигач, «яхши, кетдик», дердилар-да, маърузани секин ва равон бошлаб юборардилар. Бизлар ёзиб олишга бемалол улгурардик. Аммо ўриндиқ етишмай қисилиб ўтирганлар ва дераза токчасига суяниб ёзаётганларнинг норозилиги кучайиб борарди. Бунинг оқибати биз уч ёш йигитнинг бошимизга бало бўлиб ёғилишига ози қолди.

Ўша ўттиз учинчи йилнинг декабр ойига келиб институт раҳбарияти томонидан бизларнинг ўқишдан ҳайдалганлигимиз ҳақида буйруқ чиқибди. Учаламиз ҳам гангиб қолдик. Охир оқибат йиғлашга тушдик.

Шу пайт дарсга келган Ойбек домла бизларни кўриб, «Ий-ий, бу нимаси, нега йиғлайсизлар?»— деб сўради. Мен гапиришга тилим бормай, қўлим билан тахтага ёпиштирилган буйруқни кўрсатдим. Домла уни ўқиди-ю, сўнг қоғозни чангаллаб юлиб олди ва бизларга «менинг орқамдан юринглар», деб буюрди. Бизлар домлага эргашиб директорнинг хонасига кирдик.

— Бу нимаси, ўқишнинг ярми ўтиб кетганда?— деб домла норозилик билан.

— Талабалар кўплигидан, ўқиш хонасига сиғишмай қолганидан хабарингиз борми?— деди директор ўзини оқламоқчи бўлиб.— Уларни катталар орасида бекор қўшган эканмиз. Улар шикоят қилишяпти.

— Буни йил бошида ўйлаш керак эди. Ёки ўқиш ёшидан ўтиб кетган ўша бола-чақали кишиларни ҳайдаш керак эди. Оилали кишиларнинг нон паттаси учун ўқиб юришганидан хабарингиз борми? Эрта-индин нон эркин савдога чиқса, мана шу уч нафар ёшдан бошқа ҳаммаси ўқишини ташлаб кетишади. Бўш қолган ўринлар учун жавоб берасиз ҳали. Буни тушунасизми? Агар буларни ҳайдасангиз, менам кетаман.

— Йўқ, йўқ, ўртоқ Тошмуҳаммедов. Илтимос, кетманг, йигитларни ҳам ҳайдамаймиз, ўқий беришсин,— довдираб гапирди директор. Чамамда домла унинг нозик жойидан ушлаган эди...

Бизлар домлага миннатдорчилик билдириб дарсга кирдик.

Домла айтганларидек, кўп ўтмай нон эркин савдога чиқди. Оилали талабалар бирин-кетин ўқишни ташлаб кета бошладилар. Ўттиз кишилик биринчи гуруҳдан ўн икки ёш талаба қолибди. Йигирма беш кишилик бизнинг гуруҳимизда эса интернатдан келган уч киши қолибмиз, холос. Бизларни қўшиб, ихчамгина янги гуруҳ ташкил қилишди ва уни «саноатни лойиҳалаш факултети» деб аташди.

Бизлар нотаниш талабалар билан тезда иноқлашиб кетдик. Домла Ойбек ҳам бундай ўзгаришдан хурсанд эди. Домла ўз одати бўйича газета ушлаган қўлини орқасига қилиб, хона ичида уёқдан-буёққа юриб, маъруза ўқирдилар. Талабаларнинг «Домла, шу теманинг палон жойини яна бир марта қайтариб беринг», деган илтимосларини бажариб, мисоллар билан тўлдириб кетардилар. Дарс охирида эса: «Китобданми, маърузаданми тушунмаган жойларинг бўлса, ТошМИ ҳовлисидаги уйга келинглар, биргалашиб кўриб чиқамиз», деб қўшиб қўярдилар.

Домланинг шу гаплари баҳона бўлди-ю, биз уч ўртоқ дам олиш куни у кишининг уйларга бордик.

— Ий-ий, келинглар, келинглар,— деди домла даҳлиз эшигини очар экан, қандайдир ноёб меҳмонни кутиб олаётгандай хурсандчилик билан,— қани, бу ёққа киринглар.

Домла бизни ичкарига бошлади. Хона ўртасида хонтахта, унинг атрофига кўрпачалар солинган эди. Енгил, ола пижама кийган домланинг кўзлари киртайган, чамаси ижодхонасида кўп ишлагану, эндигина чиқиб тамадди қилган кўринади.

Домланинг турмуш ўртоқлари Зарифа Саидносирова бизлар билан сўрашиб, онадай меҳрибонлик кўрсатди. Хонтахтани ёпиб турган дастурхоннинг бир четини очиб унга яна оқ нон, қанд-курс қўйди ва чой дамлаб келди. Аямиз ТошМИда кимёдан дарс берар эканлар.

Домла бизларга бир пиёладан чой узатди. Мен қўлимдаги китобни кўрсатиб, мақтанмоқчи бўлдим. Домла: «Қани, ўқинг-чи!»— деди. Бу сўз менга китобни менсимагандай туюлди. Чунки домла ўз соҳаси бўйича, бунинг устига яна Марксннг ўзбек тилига қилинган таржимасини кўрмаган, ўқимаган бўлиши мумкин эмас эди. Мен ийманиброқ уч-тўрт жумла ўқидим.

— Йўқ,йўқ,— деди домла тез-тез гапириб.— Бу китобни ўқиманглар. У сизларни чалғитади. Жумладан, ғализ иборалар қўпол,— деди. Кейин китобни қўлимдан олиб бир киши саҳифасини кўздан кечирган бўлди. Шу пайт китоб орасидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп нусхали деворий газетасига кўзи тушди-ю, ундаги «Қўлим икки бўлди» деган лавҳани ўқий бошлади. Юрагим орқамга тортиб кетди. Домла қандайдир ширин жилмайиб менга қаради ва: «Буни сиз ёздингизми?» деб сўради.

— Ҳа,— дедим гуноҳкорлардай ва ўзимни оқламоқчи бўлдим. — Яқинда тўқимачлик комбинатига саёҳатга борувдик. Себзорлик Обид ака деган танишимни учратиб қолдим. Читга гул босиш цехида уста бўлиб ишлар эканлар. «Қўлим икки бўлди», деб мақтанди. Аввалига тушунмадим. Кейин у кишининг ўзлари тушунтирдилар: «Биласан-ку, қўл учида кун кўрардим. Мана шу комбинат туфайли ўқиб-ўргандим. Ҳозир устаман. Кеннойинг ҳам йигирув цехи устаси. Қўлим икки бўлди», деганим рўзғорни икки кишилашиб кўтаряпмиз, деганим. Агар Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарларида мана шундай комбинатлар қурилса борми, хотин-қизлар иш билан таъминланиб, халқ турмуши енгиллашган бўларди. Бизда, пахта юртида бундай комбинатнинг биринчи қурилиши. Сен, ука, катта жойда ўқир экансан, ана шуларни ёз. Шуларга қўшиб менинг қўшиғимни ҳам ёз», — дедилар. Бор гап шу.

— Тез-тез ёзиб турасизми?

— Йўқ, домла. Баъзан бирор янгиликка дуч келсам, қалбим шуни ёз деб туради. Кейин қоғоз қоралайман. Ёзганимни бировга кўрсатишга ийманаман. Шундай пайтда лойиҳа институтида нима қилиб юрибман, адабиёт факультетига кирсам бўлмасмиди, деб ўйланиб қоламан.

— Хаёлингизни бузманг, иқтисодиётни яхши билмай туриб, кишилар ҳаётини тасвирлаб, орадаги зиддиятларни курашни кўрсатиб бўлмайди. Биласизми, мен ҳам мана шу институтни битирганман. Аммо сиз кўпроқ машқ қилишни тўхтатманг,— дедилар.

Мен: «Дарс беришдан кўра ёзувчилик яхши эмасми?»— деб сўрадим. Домла хиёл жилмайиб шундай дедилар:

— Китоб узоқ вақт ёзилади. Ундан келадиган даромад билан оилани тебратиш оғир кечади. Шунинг учун ҳар бир ёзувчи бирор иш билан оила тебратиши керак. Мен ҳозир «Қутлуғ қон» деган романни ёзиб тугатдим. Бу асаримни ўқувчилар яхши қабул қилишса, ишимни ҳам адабиёт соҳасига кўчираман.

— Демак, адабиётнинг асосий вазифаси, иқтисод экан-да, шундайми, домла?

— Йўқ, адабиётнинг асосий вазифаси одамларни тарбиялаш. Жамиятдаги иқтисодий тенгсизликлар одамлар орасидаги зиддиятни кучайтиради. Бу эса курашларини, қиёфаларини очиб бериш учун калит вазифасини бажаради. Мана, Обид акангиз ўз қўшиғида нима дебди:

Келинг, дўстлар, шаҳарга,
Ўрганамиз ўқиймиз.
Ўзимиз пахтамиздан
Элга белбоғ тўқиймиз.

Ҳунаримиз кўп бўлса
Чирой очар элимиз.
Йўл-йўлакай кураш кўп,
Маҳкам бўлсин белимиз.

Домла қўшиқни ўқиб, қандайдир завқ билан жилмайиб турарди. Ҳуснулла деган дўстимиз билимдонлик қилиб: «Қандай кураш? Ким билан курашамиз эркинлик даврида?»— деб қолди.

— Нега тушунмайсан, каллаварам? Биз ярим пошшомиз, тўлиқ пошшо эмасмиз,— деб юбордим домланинг ўрнига жавоб бериб. Қишлоқчасига, беғараз бу содда жавобдан домла бағоят роҳатланиб кулдилар ва кулги аралаш:

— Ҳой йигитлар, тўхтанглар. Бундан буён бунақанги қалтис гаплардан эҳтиёт бўлинглар. Бусиз ҳам айғоқчилар уяси бузилган аридай тўзғиб юришибди,— деб маслаҳат бердилар. Аммо менга тақилган «Ярим пошшо» лақаби анчагача судралиб юрди.

1933-34-ўқув йили тугаб, бизлар дам олишга кетдик. Ўша йили ёзда институтимиз Самарқандга кўчди. Ойбек домланинг ҳароратли маърузаларини қайта эшитмадик. Агар бугун ҳаёт бўлганларида, олдиларига бориб: «Ҳурматли устоз, тўлиқ пошшолик муборак бўлсин!»— дердим ва қўлларини олиб тавоф қилган бўлардим...

Абу Али ибн СИНО

(980—1037)

Бу йил аллома Ибн Сино туғилганига 1015 йил тўлади. Ибн Сино тиббиётда ҳам, фалсафада ҳам улуғ ўрин эгаллайди. Аллома инсонларга билим-маърифат тарқатди, улар соғ-саломатлиги, омонлигини ўйлади, бу борада қўлидан келган хизматини қилди; одамларни даволади, келажак авлодларни ўйлаб катта-катта асарлар ёзди, ўлмас мерос қолдирди. Аллома қолдирган асарлар минг йиллар оша инсониятга хизмат қилиб келмоқда. Шу муносабат билан бугун алломанинг насиҳатомуз ўгитларидан эътиборингизга ҳавола қилдик.

БАДАН ҚУВВАТЛАРИ

Еган бўлсанг таоминг, хазм бўлмасдан олдин
Яна устига-устак емоққа йўқ зарурат.
Чайнашдан тишлар ожиз бўлган таомни ютма,
Таомнинг энг ёмони бу қоринга бўлгай офат.
Ҳафта ичида бир бор қайт қилиш сенга лозим,
Балгам зарарларидан омон қолгайсан минбаъд.
Оғир ҳужуму тахдид, ҳатто қолсанг хатарда
Сурмай кейинга асло ичингни тезроқ бўшат.
Силкит ухлашдан олдин, пок эт танинг чиқитдан —
Истасанг яхши уйқу, ҳар кун бўлсин шу одат:
Кун аро ҳаммом тушмоқ тарк этма одатини,
Танинг топар парвариш юрурсан соғ-саломат,
Дору-дармон ичмакка ўзингни кўп ўргатма,
Дори ичиш ножоиз етмасдан катта иллат.
Борди-ю зўр эҳтиёж гар айласаки мажбур,
Ишлат, дори таянчдур, бўлур баданга қувват.
Бу ҳикматни атайлаб бир кун Ҳаким Таёзуқ
Нуширавон одилга қилган экан насиҳат.

* * *

Ҳудди табиб бўлган каби баданга шоҳ,
Шоир тилнинг амиридир, назми гувоҳ,
Қайраса тил нафсин бир йўл фасоҳат-ла,
Даволайди табиб танни назокат-ла.
«Ўржуза»да бор табобат топди камол,
Ҳам назарий, ҳам амалий бўлиб мисол.
Мана энди хайр ишига азм айладим,
Эсда бўлган насрларни назм айладим.

* * *

Озайтиргил, кун тигида чарчатур иш,
Чунки терлаш бирла пайдо бўлгай ҳориш.
Жисм узра зарур бўлган барча билим,
Тадбирларинг айтиб ўтдим бўлим-бўлим.
Тандан бўшат ёки тўхтат чиқинди ё
Хоҳиш бўлган бошқа нени кўрсанг раво.

БОЛА ТАРБИЯСИ

Эҳтиёт қил бола қоиндалик чоғи,
Етмай офат, соғ бўлсинким сўлу соғи.
Асра оғироёқ аёл ошқозонин,
Бузилмасин иштаҳаси қийнаб жонин.
Токи бола тоза қондан эт-тан олур.
Она қони чиқиндидан тозаланур.

* * *

Чақалоққа танла эмизувчи жувон,
Ёш ўтмаган, ўрта ёшли бўлсин жонон.
Семиз этлик, бўшашмаган баданлари,
Ўрта мижозга яқин, миқти танлари.
Сергавдалик, кўкси катта, хушрўй ўзи,
Бўлсин тоза тиши бирла икки кўзи.
Бўлсин ҳоли ҳар хил ички дард-аламдан,
Аъзо, бўғин, мўчаллари соғлом, соғ тан.
Сути унинг бўлмасин ё қуюқ-суюқ,
Ўрта миён, ранг тоза, оқ, ўзи тузук.

ҚАРИЛИК

Қари бели кучи нурар, нимжон бўлур,
Аҳволида ҳар кун бирор нуқсон бўлур.
Кучли ёмиш бергил, бироқ кам-кам қилиб,
Ҳазми оғирликдан хотирни жам қилиб.
Қилма ҳужум танга дору дармон билан,
Тан тозала мулойим ҳуш таом билан.

ҒИЗОЛАНИШ ВА УНИНГ МЕЗОНИ

Овқат емоқни одат эт сен бир маҳал,
Бўлмай десанг лайлу наҳорда ҳеч касал.
Энг кўп емак икки бордир сенга мезон,
Икки кунда уч бор емак ўрта миён.
Хазм истасанг, шошмай егил, е майдалаб,
Мудатни чўз, чайнаб егил кўп марталаб.
Оғир бўлса чайнамоқлик ғар тиш била,
Андин оғир хазми сенинг ютиш била.
Кўнгил тусар ҳар нарсага жазм айласанг,
Лекин ани ҳазми оғир деб ўйласанг,
Зидди била иш тут, тўлсин акси мижоз,
Шояд ўша бадҳазм гизо топгай ривож.

Одат кишига қуч мисол терс бўлмагил,
Кўнгил тусар бўлса емак ўғрилмагил.
Олдин суюқ, сўнгра қуюқ қил ҳар қачон,
Таъми чучук бўлса анга қўшгил нордон.
Қуруқликни ҳўлликка қўш, ҳуш қил, тузат.
Совуқликни иссиқликка чатиб, безат.
Совуғини қўшгил агар иссиқ мижоз,
Ҳўл мижозга аксин қўшсанг, топгай ривож.
Агар семиз эт ёқмаса, ҳуш кўрмасанг,
Ёғлиқ таом бадҳазм бўлиб, ҳол бўлса танг,
Туз, мурч-қалампир сеп анга, хушхўр қилур,
Юмшоқ бўлиб таом, таъбинг масрур бўлур.

* * *

Овқат егил доим риёзатдан кейин,
Сендан чиқиб кетган нажосатдан кейин.
Емакка вақтни бемалол чоғлаш керак,
Салқин шамол, тоза жойга боғлаш керак.

* * *

Ёз ҳавоси оз емоқни кўрур лозим,
Танлаганинг бўлсин доим енгил ҳазм.
Ғализ этдан ўзингни тий, ўғир юзинг,
Гиёҳ, кўкат, сутлар бўлсин ошу тузинг

СОВУҚ СУВ ДАВОСИ ВА ЗАРАРИ

Бўлмай десанг гар хом семиз, кўпроқ ҳаёт,
Сен ўнга бўл қорнинг ичин; топгунг нажот.
Учдан бир жой нафас учун зарур ҳар он,
Учдан бир овқатга, боқий сувга макон.
Ташналикка оз совуқ сув бўлгай даво,
Турган, илиқ сув кўп ичмак эрмас раво.
Ичимликка музни кўп ишлатган ёмон,
Чунки андин асабларинг топгай зиён.
Ичирмагил музли сувни чўлласа ҳам,
Бўлмаса гар семиз, серқон, миқти одам.
Дастурхонда тўкин бўлса ҳам қанчалик,
Ичаверма ҳирс қўйиб то бўкканчалик,
Сув ичмагил эсинг бўлса баъдаз таом,
Ташна бўлиб чиққач, ҳатто тушиб ҳаммом.
Риёзатдан сўнг сув ичмак ўзи кулфат,
Оғир ишдан сўнгра мисли бало-офат.
Зарурат гар талаб этса, куйса юрак,
Шундагина тановул эт сувни андак.
Қачон таом йўл олади хазм томон,
Аста-секин паст қоринга тушган замон.
Майли шунда ичкинг келса сув ва шароб,
Қонгунча ич, тўйгунча ич, бўлса сероб.
Шароб ичиб ташна бўлиб ёнсанг агар,
Сув кўп ичиб, чанқоқ кетиб, қонсанг агар,
Оғзинг қуруқшаб чанқоғинг чандон эрур,
Билгил ўшандай ташналик ёлғон эрур.

БОЛА ТАРБИЯСИ

Кўп эмизсанг, ошқозони бузилгуси,
Оз эмизсанг, иситма чиқиб қочар ҳуши.
Болага дўқ қилма ёмон, бўлма қўпол,
Ўйқу чоғи ёруғликдан айирмагил,
Юлдуз-само кўрсин бола, шодланур дил.
Ғар истасанг, ўргатмоққа сўзу калом,
Эркалатиб овоз чиқар ҳар хил муқом.
Токи балоғат ёшга у етган қадар,
Қон олмоғу сурги қилишдан қил ҳазар.

* * *

Ёз чоғида тоғ томонда ҳамда шимол,
Тевараги очиқ бўлган ўлкада, қол
Тунда ўтир баланд жойда, ғир-ғир сабо,
Кундузи туш пастлик томон хўбдир ҳаво.

* * *

Кўзларингни эҳтиёт қил чанг-ғубордан,
Ҳам тутундан, ҳам гидрдан, буғ-бихордан.

Арабчадан А. ИРИСОВ таржимаси

Кино аҳли ўз анжуманига тараддуд кўра бошлади. Бу анжуман олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Зеро, у истиқлолнинг 4 йиллиги байрами — тарихий дамларда ўтади. Бинобарин, унинг юксак минбаридан ижодий амалиёт ҳамда назария, томошабин заковати ва кино кўрсатиш маданияти, сиёсати, кадр тайёрлаш ҳамда улардан унумли, ўз вақтида фойдаланиш каби кўпдан кўп масалалар юзасидан очиқ-ойдин фикр юритилади, деган умиддамиз. Анжуман олди ўйларимиз ҳам шундай ижодий, илмий, ташкилий ва иқтисодий масалалар билан боғлиқ. Биргина асар мисолида уларнинг айримлари юзасидан фикр билдирмоқчи, жамоатчилик диққатини айрим масалаларга қаратмоқчи бўлдик.

• Анжуман олди ўйлари

БИР ФИЛМ, ИККИ МУАММО

Экранни ҳаёт кўзгуси дейميز. Бинобарин, унда намоён бўлган кинотасвирга қараб юртимиз, халқимиз ҳаёти ҳақида ҳукм чиқаришга ҳаққимиз бор. Шу боис кўзгудаги тасвир ҳаққоний, таъсирчан, фикран теран бўлишини таъминлашни ва айни бир вақтда, ҳозирги кинематографик маданият талаблари даражасида бўлишини талаб этишга ҳақлимиз. Шунда истиқлолга эришган халқнинг эстетик эҳтиёжини қондиришга йўл очдилар. Мазкур тасвир, унинг узвий бирикмаси бўлмиш филм миллий кино тараққиёти учун, унинг бадиий бисотини бойитиш учун хизмат қилиши зарурлигини кўзда тутсак, экран санъати аҳлининг вазифаси қанчалик мураккаб ва масъулиятли эканлигини англаймиз. Таъкидлаймиз: шундай талабларга жавоб берадиган асар хорижда кўрсатилганида ҳаётийлиги, бадиий баркамоллиги билан кенг жамоатчилик эътиборини тортишидан биз манфаатдормиз. Аслида шундай филмларимиз Ўзбекистонда ойида камида бир ҳафта давомида намойиш этилишини қонунлаштириш зарур бўлиб қолди. Чунончи, «Биринчи бўса» ва «Шўр пешоналар», «Галатепалик авлиё» ва «Руҳ», «Гангалик болалар» ва «Имом Бухорий» каби кино тасмалари кўпчилик кўригидан ўтганига шубҳамиз бор... Улар ўрнига хориждан келтирилган нурсиз филмлар эртаю кеч кўрсатилаётгани маълум.

Хўш, хорижга йўлланма олган филмларимиз қай аҳволда бўлиб келган? «Тоҳир ва Зуҳро» ҳамда «Сен етим эмассан», «Ўн уч қалдирғоч» ва «Алишер Навоий» қаторидаги асарлар қаерда кўрсатилмасин, халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишдаги ҳаёти ҳақида аниқ маълумот беришига, турли тилларда сўзловчи томошабинларда завқшавқ уйғотишига ишонамиз. Ҳозирги асарлар-чи?

Улардан бирига — «Имом Бухорий»га мурожаат этиб кўрайлик.

Бундай асар аввалларги пайдо бўлишига зинҳор ва зинҳор йўл қўйилмасди. Сценарийга буюртма берилмас, борди-ю, у ёзилганда ҳам марказда тўхтаб қолди. Бирор студия раҳбари юрак ютиб уни ўз ҳолича ишлаб чиқаришга тушириб юборгудек бўлса, тазйиқ остида қолар, назорат, ижод дамларига суқулиб киришлар авж оларди. Шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан ана шундай «ғамхўрликдан» ҳоли бўлдик. Биргина биз эмас. Қўшни давлатлар ҳам. Шундай дамда тожик кинофирмаси («Синамо») ҳамда ўзбек киностудияси («Ижод») ўта мураккаб мавзуга мурожаат этдилар, маблағ ҳам, иқтисодий-техник имкониятлар ҳам топдилар. Икки мамлакат маданият арбоблари — улар орасида режиссёрлар, актёрлар, операторлар, рассомлар бор — фаол иштирок этдилар. Шу тарифа ўирик бадиий тўқима вужудга келди. У анчагина мураккаб бўлиб, мусулмон маданиятидан хабардор бўлган томошабиндан жиддий эътиборни (экранга нисбатан), фикр юритишни, маълум жиҳатдан бадиий тадқиқ қилинган замон, макон ва қаҳрамонга меҳрни талаб этади. Шундай меҳр-муҳаббат сўнмаслиги учун замин мавжуд — имом Бухорийга, у кезган халифа мамлакатлари — Миср, Ироқ, Хуросон, Хижозга ҳар бир мусулмон юксак ҳис-туйғуларини, фикр-ғояларини йўллашлари маълум. Демак, филм таркиби, қаҳрамонлар сиймоси, воқеалар ривожи, моҳияти ана шу мавжуд бўлган ўйларни, ҳаяжонни томоша залида сақлаб қолиши талаб этилади. Бу вазифани бажариш эса ниҳоятда мушкул. Зеро, асрлар оша бизга етиб келган ҳодисаларнинг мазмунан теранлигини оқ чодирда айнан сақлаб қолиш бирорта кимсанинг қўлидан келармикан ўзи!? У сўз билан таърифланган. Айтилган, ёзилган сўз билан. Экран эса аввало тасвир яратишни тақозо қилади. Лекин Ҳадисдаги СЎЗга мос келадиган тасвир топингчи! Табиийки, бу ўринда воқеа ривожини кўрсатувчи тасвир эмас, ҳар бир сўзга, иборага мос келадиган образли тасвирий воситалар (ёки овозли-тасвирий воситалар) назарда тутилмоқда. Бундай вазифани бажариш учун, бизнингча: мусулмон маданияти кўринишларини умуман аудиовизуал санъатлар, жумладан, кино ва телевидение нуқтаи назардан чуқур ўрганиш, ўзлаштириш зарур. Умумэстетик масалалар билан боғлиқ бўлган бундай илмий, ижодий иш ҳали бажарилмаган. Ҳозирча ўша меросни айнан экранга кўчириш борасидагина биринчи қадам қўйилди. Шу боис барча мусулмон мамлакатлари «мусулмон маданияти ва техник санъатлар» масаласи бўйича кенгашиб, маслаҳатлашиб туришсалар фойдали бўларди. Шундай таклифимизни Куала Лумпурда малайзиялик ҳамкасбларимизга айтганимизда, анжуманда албатта қатнашажакларини билдирган эдилар. Эндиликда «Имом Бухорий» филми суратга олиниб, жамоатчиликка тақдим этилганида бу масалага олим ва ижодкорларнинг диққатини қаратардик. Айтайлик, Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Шаҳрисазбнинг салобатли миноораларининг мағрур, кўкларга бўй чўзиб туриши, паҳлавон дарвозалари, мачит ва мадрасаларининг, ҳаттоки харобаларининг улуғворлиги ва мумтоз шеъриятимиз ўртасида муштараклик мавжуд эмасми!? Бир услубда бунёд этилгандек улар. Мисраларнинг қутаринки руҳи, Яратганни ардоқлаши йўли, севгининг турли кўринишларини мадҳ этиш ҳамда биз тилга олган ёдгорликлар (уларни «қотиб қолган мусиқа» деб таърифлаганларини эсласак) ўртасида услубий бирлик сезмайсизми!?

Филмни кўраётганимизда шундай ўйларимиз ижоднинг муайян намуналарига асосланганига яна бир бор ишондик. Буни қарангки, меъморчилик ва шеърият ўртасида мавжуд бўлган ўша «услубий бирлик» кинотасмасида камроқ кўринади. Аслида бунга эришиш учун замин бор эди: мавзу ва қаҳрамондан ташқари замон бирлиги, адабий асос ягоналиги.

Бу ўринда мавзуни ёритишда тажрибасизлик қилингани, мусулмон маданиятини санъатлар нуқтаи назаридан ўрганиш тамойиллари аниқланмагани, назарий асослар бунёд этилмаганини ҳам ёдда сақлаймиз. Шу боис